

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши

11.442-гуруҳ битирувчиси Рахмонов Абдулатиф

Абдурасуловичнинг

**“ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА ТАСАВВУФНИНГ ЎРНИ  
ВА РОЛИ”**

мавзусидаги

**БИТИРУВ**

**МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар:

Н.Р. Пўлатова

Фарғона – 2015

Битирув малакавий иш кафедранинг 2015 йил \_\_\_\_ майдаги \_\_\_\_ сонли  
йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Кафедра мудири \_\_\_\_\_ ф.ф.н. Д.Э.Норматова

Тақризчилар:

1. М.Абдуҳамидов

2. Ш.А.Дехқонов ФарПИ ички назорат  
ва мониторинг бўлим бошлиғи

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ.....4-8**

**I.БОБ. ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ ВА  
УНИНГ ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ.....9-38**

1.1.Тасаввуфнинг вужудга келиши.....9-19

1.2.Тасаввуфнинг назарий асослари ва унинг Ислом таълимоти билан  
уйғунлиги.....20-26

1.3. Марказий Осиёдаги тасаввуф тариқатлари.....27-30

1.4. Тасаввуф ва калом илми (Имом Ғаззолий қарашлари  
асосида).....31-38

**2-БОБ. ТАСАВВУФНИ ЎРГАНИШНИНГ БУГУНГИ ДАВРДАГИ  
АҲАМИЯТИ.....39-64**

2.1. Тасаввуф онтологияси ва гносеологиясининг ислом таълимотини  
ўрганишдаги аҳамияти.....39-45

2.2. Тасаввуфда комил инсон талқини ва ундан фойдаланишнинг бугунги  
аҳамияти.....46-53

2.3. Тасаввуфнинг жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги  
бугунги ўрни.....54-64

**ХУЛОСА.....65-68**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....69-70**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Эркин ва фаровон ҳаёт кечириётган бу табаррук замин истиқлолгача оғир, мусибатли тарих силсилаларини бошидан кечирди. Бироқ шундай замонларда ҳам дунё маданияти ривожига ўз улушларини қўша олган машҳур олиму фузалоларини етиштириб бера олди.

Мустақил юртимизнинг бу буюклиги ва заминимизнинг муқаддаслиги ҳақида Президент И.А. Каримов: “Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон тошган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади<sup>1</sup>”, – деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек: “Таббарук заминимизнинг кадрига етиш учун биринчи навбатда шу юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, улуғлаб, уларнинг шу борадаги анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак. Айтиш керакки, маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшашда намоён бўлади<sup>2</sup>”.

Маълумки, ислом дини бугунги кунда ҳалқимизнинг онги ва маънавиятини 14 асрдан буён бойитиб, шакллантириб келмоқда. Айниқса, тасаввуф таълимоти ҳам тарихимизнинг турли даврларида ҳалқимиз маънавий қиёфасида ўчмас из қолдиргани ҳаммага бирдек равшан. Диёримиздан буюк мутасаввуф алломаларнинг етишиб чиққани ва уларнинг умумтасаввуф таълимотига улкан ҳисса қўшганлари бунинг яққол далилидир. Гап тасаввуф таълимоти ҳақида борар экан, унинг нафақат Марказий Осиё, балки Ислом олами мамлакатлари ҳалқлари маънавий маданияти таркибида улкан аҳамият касб этишини назардан қочирмаслик лозим. Тасаввуф таълимоти яхлит таълимот сифатида шакллангунга қадар

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 184 – б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 15-16 б.

узоқ муддатни босиб ўтган. Шундай экан, унинг шаклланиш ва тараққий этиш жараёнида турли ихтилофли ҳолатларни, турли тасаввуф оқимлари ўртасидаги қарашлардаги зиддиятлар унинг ўз асос солувчи нуктаси – Ислом таълимотида узоқлашганини англатмасада, аммо турли муносабатларни келтириб чиқарган.

Тасаввуф таълимоти Ислом динининг ривожиди, унинг тарбияловчи, шахсни камолотга элтувчи хизматини енгиллаштиришда катта рол ўйнаганлигини эътибордан қочирмаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, тасаввуф Ислом дини таълимоти ривожиди катта ўринга эга. Шу нуқтаи назардан, ушбу битирув малакавий иши тасаввуфнинг келиб чиқиши ва ривожланишида ўз асос, устқурмани Ислом динидан олганлигини, шу билан бирга айни Ислом таълимотининг ривожиди қандай ўрин тутишини тадқиқ қилишга бағишланган. Ўйлаймизки, ушбу битирув малакавий иши мавзуси бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, тасаввуф таълимотини бугунги кунда ҳам ўрганиш Ислом динининг асосий мақсадини тўғри англашда ва энг муҳими инсоннинг ҳар томонлама камолотга эришувида катта аҳамият касб этади.

**Мавзуни ўрганилганлик даражаси:** Тасаввуф таълимоти ҳақида тадқиқотлар жуда кўп олиб борилган. Аслини олганда ҳар бир мутасаввуф алломанинг ўзидан қолдирган ва ўз сулукига бағишланган тадқиқоти ҳам тасаввуфни ўрганишда манба бўлиб хизмат қилаверади. Чунки, тасаввуф тариқатларини жуда кўплиги ва мазмунан хилма-хиллиги бундай дейишимизга асос бўлади. Бизнинг тадқиқот мавзуси мазмунига яқин бўлган тадқиқотлар ҳам олиб борилганлигини эътироф этиш мумкин. Бу борада дастлаб Европалик олимларнинг бу борадаги тадқиқотлари эътиборга моликдир. Уларнинг аксарида тасаввуф мактаблари, мутасаввуф алломаларнинг ҳаёт йўли ва силсилалари, тариқатлари ҳақида фикр юритилади<sup>3</sup>. Европалик олимларнинг тасаввуф таълимоти ҳақидаги

---

<sup>3</sup> Қаранг: Жон Тер Хаар. Накшбандийликда бошқарув принципининг аҳамияти. Лондон, 1992; Андрай Т. Исломий суфийлар. Штутгарт. 1969; Орбери А.Ж. Заҳматқаш сўфий Айн ал-қудрат ал-Ҳамадоний хусусида қасида. Лондон, 1969; Остин Р.В.Ж. Андалузия сўфийлари. Лондон, 1971; Остин Р.В.Ж. Ибн ал-Арабий ва

тадқиқотлари биз учун икки томонлама аҳамиятга эга бўлиб, бир томондан, мутасаввуф алломалар асарларининг асл нусхалари Европа давлатлари шаҳарлари музей ва кутубхоналарида сақланаётганлигини ва уларнинг асл манбалардан фойдаланганлари бўлса, иккинчи томондан уларнинг бошқа дин вакиллари сифатида ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориши тасаввуф таълимотининг асл мазмунига холис ва илмий-фалсафий муносабат билдиришга ёрдам беради.

Тасаввуф таълимоти ҳақида турк ва араб олимларининг асарлари ҳам алоҳида эътиборга молик.<sup>4</sup>

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, Ислом дини ва диний кадриятларимиз қайта тикланди. Бу эса тасаввуф таълимотини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Бир қанча сўфий алломаларнинг асарлари турли тиллардан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Шу билан тасаввуф таълимотига бағишланган жуда кўплаб тадқиқотлар эълон қилинди<sup>5</sup> ва ҳозирда ҳам бу анъана давом этмоқда. Лекин бу тадқиқотларнинг аксариятида тасаввуф мактаблари ва мутасаввуф алломаларнинг ҳаёт йўли ва тариқатлари ҳақида сўз боради. Бундан кўринадики, юқоридаги тадқиқотларда бизнинг тадқиқот мавзуимизнинг айрим жиҳатларигина ёритилган, холос.

**Битирув малакавий ишининг объекти:** Тасаввуфнинг Ислом дини таълимоти ривожигаги ўрни ва миллий мустақиллигимиз йилларида диний кадриятларнинг тикланиши ҳамда бугунги кунда жамиятимиз маънавий

---

Румий асарларида сўфий аёллар образи. Лондон, 1991; Серге де Лауриер де Боричел. Абдулла Ансорий - ханбалий сўфий. Байрут, 1963; Жон К. Бёрж. Дарвишларнинг Бектоший жамоаси. Лондон, 1937; Вильям Ч. Билимларнинг сўфиёна сўкмоғи. Албания, 1989; Ричард Итон. Бижапурлик сўфийлар. Принстон., 1978; Луис Массигнон. Ал-Хусайн ибн Мансул ал-Ҳаллож Ислом сўфизмининг шаҳиди. Принстон, 1987; ва ҳ.к.

<sup>4</sup> Қаранг: Махмуд Аййуб. Исломда изтироб чекиб покланиш. Хьюг, 1978; Ёқуб Қадрий Қораусмонўгли. Нур Бобо. Истанбул, 1922. Холид Аҳмад Низомий. Шайх Фарид Ганжи Шакарнинг ҳаёти ва даври. Алигарх, 1955; Мирзо Колих Бек. Зийнат. Карачи, 1892; Қуддусий. Тазкирати суфияи Синд. Карачи, 1959; Суломий. Табақат ас-суфийя. Қоҳира, 1953. ва ҳ.к.

<sup>5</sup> Қаранг: Хомиджон Хомидий. Тасаввуф алломалари. Тошкент, 2004; Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. –Т.: «Ёзувчи», 1997; Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2000; Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. «Бухоро» нашр., 2000; Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1991; «Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар» (Тўплам). –Т.: «Ўзбекистон», 1993; Олим С. Навоий ва Нақшбанд. –Т.: «Фан», 1992; Салим С. Ишк, ошиқ ва маъшук. –Т.: «Фан», 1994; Салим С. Бухорий. Дилда ёр. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1992. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Тошкент, 1995; Иззат Султон. Баховуддин Нақшбанд абадияти. – Т.: Фан, 1994. Б. 80. ва ҳ.к

хаётининг янгилинишида, баркамол авлодни тарбиялашда тасаввуф таълимоти ўрганишнинг ўрни ва ролини очиқ бериш ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг мақсади:** тасаввуфнинг шаклланиш жараёни, унинг назарий асосларининг Исломи дини таълимоти асосида тараққий этиш жиҳатлари, тасаввуфнинг Исломи таълимоти ривожигаги ўрни ва роли, тасаввуф таълимоти ўрганишнинг бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини илмий асослаб беришдан иборатдир.

**Битирув малакавий ишининг вазифалари:**

- “тасаввуф”, “мутасаввуф”, “жавонмардлик”, “тариқат”, “калом”, “Исломи таълимоти” каби тушунчаларга таъриф бериш, уларнинг Исломи дини ва тасаввуфни ўрганишдаги аҳамиятини аниқлаш;

- тасаввуфнинг ўз асос ва устқурмасини Исломи дини таълимотидан олганлигини ва ўз навбатида Иломи таълимоти ривожига кўрсатган таъсирини аниқлаш;

- Марказий Осиёда вужудга келган тасаввуф тариқатлари ва уларнинг ушбу минтақада Исломи дини ривожига кўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш;

- тасаввуфни ўрганишнинг бугунги кунда мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини тавсифлаш;

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги:**

- “тасаввуф”, “мутасаввуф”, “жавонмардлик”, “тариқа”, “калом”, “Исломи таълимоти” каби тушунчаларига тегишли аниқлик киритилди;

- тасаввуфнинг ўз асос ва устқуртмасини Исломи дини таълимотидан олганлигини ва ўз навбатида Иломи таълимоти ривожига кўрсатган таъсири хусусиятлари аниқланди;

- Марказий Осиёда вужудга келган тасаввуф тариқатлари ва уларнинг ушбу минтақада Исломи дини ривожига кўшган ҳиссасини кўрсатиб берилди;

- тасаввуфни ўрганишнинг бугунги кунда мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини тавсифланди.

**Битирув малакавий ишининг назарий-методологик асосини** воқеа-ходисаларга диалектик ёндашув, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, миллийлик ва умуминсонийлик каби илмий-фалсафий тамойиллар, миллий ғояга асосланган ижтимоий тафаккур ташкил этади. Шунингдек, Президент И.А.Каримов асарлари, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида, ўзбекистонлик ҳамда хорижлик олимларнинг тадқиқотларида илгари сурилган ғоя ва хулосалардан ҳам назарий жиҳатдан фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти** шундаки, тасаввуф тариқатлари ва мактаблари жуда хилма-хил бўлиб, уларни ўрганиш оддий ўқувчида уни яхлит таълимот сифатида тасаввур қилишга ҳалақит бериб, уни чалғитиши мумкин. Қолаверса тасаввуфнинг Исломот таълимотидан илдиз отганини аниқлаш ҳам ўқувчига қийинчилик туғдириши мумкин. Шунинг учун тасаввуфнинг Исломот таълимоти асосига қурилганлиги ва тасаввуфни яхлит таълимот сифатида тушиниш учун мазкур тадқиқот мавзусининг назарий ва амалий аҳамияти муҳим аҳамиятга эгадир.

**Битирув малакавий ишини амалга жорий қилиниши:** Ишда эришилган илмий хулосалар, натижалар олий ўқув юртиларида ижтимоий фанларни ўқитишда, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ва баркамол авлодни тарбиялашда, тасаввуфий кадриятларнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш ҳамда амалий фойдаланишда кўмак бериши мумкин.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши.** кириш, икки боб, еттита бўлим, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми 70 саҳифадан иборат.

# **I.БОБ. ТАСАВВУФНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДАГИ ЎРНИ**

## **1.1. Тасаввуфнинг вужудга келиши**

Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади.

Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган кадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди, деб ўйлайман<sup>6</sup>.

Тасаввуф Шарқ маънавияти тарихида муҳим ўрин эгаллаб келган тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак

---

<sup>6</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008. Б. 36-37.

ёяди. Гап шундаки, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) вафотларидан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлиниш юз беради, айниқса, халифа Усмон замонларида бойликка ружуъ қўйиш, қимматбаҳо тухфалар билан қариндош-уруғлар, яқин дўст-биродарларни сийлаш расм бўлади. Умавия халифалиги даврига келиб эса, сарой хашамлари, дабдабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, хазина тўплаш авж олди. Яъни диний машғулотлар, Худо йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади. Бу ҳол диний амрларни адо этишни ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар орасида ҳадис тўпловчи муҳаддислар, илгаридан кашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар ҳам бор эди. Буларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очик курашга отланган бўлсалар, иккинчи қисми эса, қаноат ва зухдни (“зуҳд” сўзидан “зоҳид” сўзи келиб чиққан) асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва бойлар ахлоқига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик ғоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашганлар, сурункали тоат-ибодат билан шуғулланганлар.

Куфа, Бағдод, Басра шаҳарларида таркидунё қилган зоҳидлар кўп эди, айтиш керакки, уларнинг обрў-эътибори ҳам халқ орасида катта бўлган. Чунончи, Увайс Қароний (VII аср), Ҳасан Басрий (642–728) каби йирик сўфийлар аслида зоҳид кишилар эдилар, шунинг учун бу зотларнинг номи шайхлар ва сўфийлар ҳақидаги тазкираларда зоҳид сифатида тилга олинади, баъзи муаллифлар эса уларни сўфийлар қаторига қўшмаганлар ҳам.

Бунинг боиси шуки, зоҳидлар узлат ва тақвони пеша этган бўлишларига қарамай, ишқ ва ирфон (илоҳий маърифат)дан беҳабар кишилар эдилар. Улар фалсафий мушоҳадакорлик, ажзу иродат билан маънавий-ахлоқий камолот сари интилиш, валийлик, каромат-мўъжизалар кўрсатиш каби хислатларга эга эмас эдилар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш, Қуръони Каримда ваъда қилинган жаннатнинг хузур-ҳаловатига етишиш эди. Сўфийлар назарида эса жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам таъмининг бир кўринишидир. Ҳолбуки, сўфий учун на дунёдан ва на

охиратдан таъма бўлмаслиги керак. Ягона истак бу – Худонинг дийдоридир, холос.

Машхур сўфий аёл Робия ал-Адавийя (714–801) Аллоҳга муножотларида нола қилиб айтар экан: “Эй Парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаннатинг таъмасида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан кўрқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида куйдир – минг-минг розиман! Аммо агар Сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма!”

Аллоҳ Таъолога курук, кўр-кўрона мутеъликнинг ҳожати йўқ. Худо ғазабидан кўрқибгина амри маъруфни бажариш садоқат белгиси эмас, балки риёдир. Шунинг учун сўфийлар: Аллоҳни жон-дилдан севиш, Унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафсу хирс ғуборидан поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ васлига етишиш ва бундан лаззатланиш ғоясини кенг тарғиб қилдилар. Инсон руҳи илоҳийдир ва, демак, асосий мақсад – илоҳий оламга бориб қўшилмоқдир, дедилар.

Шу тариқа, дунёдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, “бир назар билан тупроқни кимё этадиган”<sup>7</sup> зеҳну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мутафаккирлар, файласуфлардан ажралиб турадиган, шарият илмини сув қилиб ичган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдики, уларни руҳ кишилари деб атардилар. Бундай одамларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, одатдан ташқари сўзлари ва ишлари атрофдагиларни ҳайратга солар, баъзиларининг ғайбдан башорат берувчи кароматлари, сирли мўъжизалари ақлларни лол қолдирарди. Уларни аҳлуллоҳ, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, дарвеш, қаландар, фақир деган номлар билан тилга олардилар. Аммо бу тоифага нисбатан кўпроқ “сўфий” номи қўлланилган, чунки ушбу сўзнинг маъноси анча кенг бўлиб, бошқа тушунча ва атамаларни ўз ичига сиғдирарди.

---

<sup>7</sup> Хофиз Шерозий шундай қобилиятга эга бўлгани тасаввуф китобларида қайд этилган.

Хўш, “сўфий” сўзи каердан пайдо бўлган? Бу ҳақда бир неча хил карашлар бор. Баъзилар бу сўз “саф” сўзидан келиб чиққан дейдилар, чунки сўфий Илоҳ йўлига кирганларнинг биринчи сафида турувчидир. Баъзи олимлар уни “суффа” сўзидан ҳосил бўлган деб айтадилар: асҳоби суффа Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётликларидаёқ тарки дунё қилган тақводор кишилар бўлиб, сўфийлар шуларга тақлид қиладилар, деб тушунтирадилар. Яна бир гуруҳ олимлар сўфий сўзи “сафо” сўзидан келиб чиққан, чунки бу тоифанинг калби сидку сафо офтобидай порлаб туради, деганлар. Яна баъзилар сўфий “суфух” сўзидан ясалган, суфух – бирор бир нарсанинг хулосасидир, бу жамоа халқнинг хулосаси бўлганлиги сабабли уларни сўфий деганлар, деб ёзадилар. Сўфий сўзи “соф” сўзидан чиққан дегувчилар ҳам бор. Абу Райҳон Беруний бўлса “суф”, яъни файласуф сўзининг охириги қисмидан ясалган деб кўрсатади. Аммо кўпчилик сўфий сўзи арабча “суф” сўзидан ҳосил бўлган, деган фикрни билдирадилар. “Суф” сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган матодир. Сўфийлар кўп ҳолларда жун чакмон ёки кўй терисидан тикилган пўстин кийиб юришни одат қилганлари учун уларни жун кийимлилар (форсчаси пашминапўш), яъни сўфий деб юритганлар. Бизнингча, шу кейинги этимологик маъно ҳақиқатга яқинроқдир, зеро, сўфий сўзининг “суф” сўзидан ясалиши араб тили қонун-қоидаларига мос келади.

Агар “суф” сўзидан сўфий ясалган бўлса, ўз навбатида, “сўфий”дан, “тасаввуф”, “мустасуф”, “мутассуф”, “мутасаввуф” сўзлари ҳосил бўлган. Мустасуф ўзини сўфийларга ўхшатиб, тақлид қилиб юрадиган, аммо, асл мақсади амал-мансаб, молу мулкка интилишдан иборат бўлган кишиларга нисбатан ишлатилган сўз бўлса, мутассуф тариқат ва ҳақиқатда муайян манзилларни эгаллаган, бироқ сўфий даражасига кўтарила олмаган кишилардир. Қалбан сўфиёна ғояларга мойил, тасаввуфни эътиқод – маслак қилиб олган, лекин тариқат амалиётини ўтамаган, расман сўфий бўлмаган одамлар эса мутасаввуф бўлиб ҳисобланганлар. Сўфийларнинг ўзини ҳам Ҳусайн Воиз Кошифий “Футувватномаи султоний” номли асарида уч гуруҳга ажратган: муоширлар, мутарасмлар, муҳаққиқлар. Муоширлар – тариқат

аҳлининг мухлислари. Улар дарвешларга муҳаббат билан қарайдилар, дарвешлар суҳбатида иштирок этадилар, уларнинг хизматларини бажарадилар ва савобга ўзларини шерик деб биладилар. “Мутарасм” сўзининг маъноси расму русумга эргашувчи демак, аммо мутарасмлар дарвешларнинг одатларига зоҳиран тақлид қилсалар-да, ботинан ҳол талабгоридирлар ва шу тоифага ихлослари туфайли файздан баҳраманддирлар.

Муҳаққиқлар – Ҳаққа етганлар, уларни олий мартабали сўфийлар деб таърифлаш мумкин. Ҳақиқий авлиёлар, шайхи муршидлар шулар ичидан етишиб чиққан. Бу ўринда муҳаққиқ сўфийларнинг нажиб сифатлари хусусида тўхтаб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, чин сўфий ўзликдан ва фоний дунёдан кечган ва Ҳақ бақосида ўзлигини қайта топган зот бўлиб, суратда бандая, маънида озод кишидир. Сурат – ташқи кўринишда банда бўлиш – жисм-танани Илоҳ тоатига бағишлаш бўлса, маънида озодлик-ботинни барча алоқалардан тозалаб, руҳни хур ва пок сақлаш демак. Сўфийга ҳеч бир нарса ва ҳеч бир киши қарам бўлмаслиги; унинг ўзи ҳам ҳеч бир нарсанинг ва ҳеч бир одамнинг қарами бўлмаслиги керак. Зеро, Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидай:

Ҳечи мо нею ҳечи мо кам не,  
Аз пайи ҳеч-ҳечи мо ғам не,  
Жанда бар пушту пушт-гўристон,  
Рўзе ки мирем ҳеч мотам не.

Маъноси: Ҳеч нарсамиз бўлмаганлиги учун ҳеч камимиз йўқ, ўша “ҳеч”, яъни нарса кетидан қувиб, ғам ҳам чекмаймиз. Эгнимизда – жанда, орқамизда – гўристон, биз вафот этган кун ҳеч бир мотамнинг кераги йўқ.

Сўфийнинг озодлиги деганда тасаввуф аҳли солиқнинг башарий сифатлардан мутлақ қутулиши ва илоҳий фақр сифати бўлмиш пок руҳ кўринишида истиғно олами – Тангри Таъоло оламининг заруратлари бепоёнлигини қалбан идрок этишини англаганлар. Сўфий яна “сирри соф,

ақли етук, муҳаббат аҳлига дил боғлаган” (Кошифий) бўлиши, нафасидан бедардлар қалби бедор бўлмоғи керак. Сўфийлар руҳоният билан суҳбат курадиган, кайҳону фалак асроридан мужда келтирадиган, факрни ихтиёрий равишда бўйинга олиб, табиий ахлоқни тарк эта бориб, илоҳий ахлоқни касб этувчи, эзгулик йўлида жонини фидо қилувчидирлар, улар борлиқ ва йўқлик, замон ва макондан хориж, азалу абадни бирлаштирган мукаррам зотдирлар.

Бундай кароматли инсонларни халқ азиз-авлиё, қудсий нафасли кишилар сифатида алоҳида эъзозлаган. Бу зотлар атрофдагилар онги ва шуурига қаттиқ таъсир ўтказганлар ва маънавият султонлари бўлиб майдонга чиққанлар. Уларнинг сўзи ва ҳаракати, хислати ва ахлоқи ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилган. Жаҳоннинг бутунлиги, ободонлик ва осойишталик Парвардигор файзини етказувчи шу табаррук зотларнинг дуоси, хайрли ишларига вобаста деб қаралган. Шу аснода авлиё-анбиёнинг меросхўри – давомчиси деган ақида шаклланган. Яъни, гарчи Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин Пайғамбар келмаса-да, аммо қутби киром валийлар ҳар замонда пайдо бўлиб, халқни ислом ҳақиқатларига ҳидоят этадилар, тўғри йўлга бошлайдилар. Чунончи, улуғ шоир Хусрав Дехлавий ўз пири Низомидин Авлиёни шундай кишилардан деб таъриф этади ва “Матлабул анвор” достонида бундай ёзади:

Нури жаҳон аз қадами авлиё аст,  
Жони назар дар жасади тўтиё аст.

(Кўзнинг равшанлиги тўтиё вужудида бўлганидай, жаҳоннинг нури авлиё қадамидандир).

Алишер Навоий ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдурахмон Жомийни гарчи Хусрав Дехлавий каби пайғамбар давомчиси деб атамаса-да, лекин уларни “муршиди офоқ”, “кошифи асрори Илоҳ”, барча ишлардан хабардор кароматли ва пок ниятли зотлар сифатида таъриф этади. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд:

Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,  
Балки жаҳон мулки ниғаҳбони ул.  
Йўқ мамоликка ниғаҳбон бўлиб,  
Барча салотин уза султон бўлиб.

Ҳақ сўзин элга қилурда адо,  
Тенг кўруниб олида шоҳу гадо<sup>8</sup>.

Бу фақат шоирларнинг ҳаяжонли таъриф-тавсифи эмас, албатта. Буни ўрта асрлар кишисининг тафаккур тарзи ва дунёқараши ифодаси деб билмоқ керак. Сўфий ва дарвешлар ҳақиқатан ҳам катта нуфуз ва обрўга эга эдилар. Муқтадир шайхларгина эмас, қаландарлар, эшонлар, мажзуб “девоналар”, оддий дарвешларни ҳам одамлар хурмат қилганлар. Шунинг натижаси ўлароқ, дарвешчилик ҳаракати кенг қулоч ёйган, хонақо удумлари шаклланиб, дарвешлар алоҳида бир тоифа – табақа сифатида жамиятда муҳим ўрин эгаллаган.

Бироқ бу бирданига юзага келган ҳаракат эмас, айтиб ўтганимиздай, тасаввуф ва дарвешлик ҳаракати узоқ тадрижий тарихга эга. Олимлар тасаввуф тарихини дастлаб икки даврга ажратадилар: биринчи – зоҳидлик даври, иккинчиси – орифлик ва ошиқлик даври. Сўфийларнинг ўзини ҳам ориф сўфийлар, зоҳид сўфийлар, ринд сўфийлар, фақир сўфийлар, файласуф сўфийларга ажратиш мумкин.

Зоҳидлик даври сўфийлари<sup>9</sup> тақво ва парҳезкорликни бош мақсад деб билган бўлсалар, кейинги давр сўфийлари тафаккурий-шуурий ривожланиш – яъни дунёни ва Илоҳни билиш, танишни асосий мақсад деб ҳисоблаганлар. Биринчи даврни тасаввуфнинг ибтидоий даври (“аввалги давр”) сифатида тилга оладилар. Орифлик даври деб атаганимиз иккинчи давр ҳам (бу IX аср ўрталаридан бошланади) бир неча босқичларга эга. Чунончи, IX–X асрлар – хонақоҳларнинг пайдо бўлиши, тариқат русумларининг шаклланиш даври. XI–XII асрлар – тасаввуф мактаблари, силсилаларнинг таркиб топиш даври. Бунда Миср, Бағдод, Басра, Бухоро, Нишопур, Термиз, Балх шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим рол ўйнаган. Натижада Миср, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ ва Туркистон мактаблари шуҳрат топган.

---

<sup>8</sup> Алишер Навоий. Хайратул аброр.

<sup>9</sup> Иброҳим Адҳам, Ҳасан Басрий, Абухошим Куфий ва бошқалар

XIII аср охири – XIV аср бошлари тасаввуф тарихида алоҳида бир маҳсулдор давридир. Бу даврга келиб, тасаввуф ҳам назарий-илмий нуктаи назардан, ҳам амалий ҳаракатчилик нуктаи назаридан ўзининг юксак чўққисига кўтарилган эди. Тасаввуф адабиётининг гуллаши ҳам шу даврга тўғри келади. Айниқса, Нажмиддин Кубро (1145–1221), Муҳйиддин Ибн Арабий (1165–1240), Яхъё Сухравардий (1155–1191) сингари мутафаккир шайхлар, Фаридиддин Аттор (вафоти 1220), Аҳмад Яссавий (вафоти 1166), Жалолоиддин Румий (1207–1273) каби улуғ сўфий шоирлар тасаввуф илмининг доирасини кенгайтirdилар, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитдилар. Агар IX–XI асрларда тавҳид асосларини чуқурлаштиришга катта эътибор берилиб, тасаввуфнинг фано ва бақо каби тушунчалари, Ҳаққа восил бўлиш майли шиддат билан тарғиб қилинган бўлса, XIII аср ўрталаридан бошлаб, тафаккурий-аҳлий йўналиш етакчилик қила бошлади. Бу фалсафий оқим тасаввуф тарихида “вахдатул вужуд” номи билан шуҳрат топди. Сўфийлар энди коинот тузилиши, одамларнинг хусусиятлари, олам ва одам муносабатлари, комил инсон англамалари билан бош қотирадиган бўлдилар. Натижада Ибн Арабий ва Жалолоиддин Румий каби зотларнинг асарларида бутун бир фалсафий тизим ўз ифодасини топди, улар илоҳий кашфу каромат, руҳий-психологик ҳолатлар, ботиний латифликлар билан бирга, реал инсоний ҳаёт ҳақида ҳам кўп ажойиб фикрларни баён этдилар. Шундай қилиб, тасаввуф Шарқ фикрий тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўз ичига қамраб олиб, уни ривжлантирди, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмларини бирлаштирди, илоҳий илмлар билан дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилди. Натижада тасаввуф Шарқ кишисининг тафаккур тарзи ва ахлоқ нормасини белгилайдиган ҳодисага айланиб қолди.

Тасаввуф тарихига назар ташлар эканмиз, ислом динидаги мазҳаблар, қарашлар хилма-хиллиги сўфийлар ҳаёти ва дунёқарашига ҳам инчунин таъсир этиб турганини кўрамиз. Хусусан, сунний ва шиа йўналишлари орасидаги кураш сезиларли из қолдирган. Эрон олимлари, жумладан,

“Тасаввуф истилоҳлари шарҳи”<sup>10</sup> номли қомус муаллиф Сайид Содик Гуҳарин тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва қарор топишида шиа йўналиши карашларининг таъсири борлигини таъкидлайди. Бошқа бир қатор олимлар юнон фалсафаси, қадимги зардуштийлар, ҳинд фалсафий-асотирий карашларининг ролини кўрсатадилар. Тасаввуф амалиёти ва фалсафасида бу булоқларнинг самарали таъсири бўлиши мумкин. Бу ерда бошқа нарсани таъкидламоқ керак: биринчидан, исломий тасаввуф ўзи ўзлаштирган жамики нарсаларини ислом руҳида қайта ишлаб, шариатга мувофиқлаштирган. Иккинчидан, биз айтмоқчи бўлган фикр шуки, шиа ва сунний йўналишлари орасидаги кураш тасаввуф силсилаларининг йўналишларини белгилаган. Чунончи, тайфурия, суҳравардия, хулулия, фирдавсия каби силсилалар кўпроқ шиачиликка мойил бўлсалар, яссавия, қодирия, нақшбандия сулуклари сунний йўналишида мустаҳкам турган тариқатлар эди. Баҳоуддин Нақшбанднинг асосий жидду жаҳди ҳам тасаввуф ва тариқатни сунний мазҳабига мослаштириш, уни шиачиликка хос жаҳру самоълардан тозалашдан иборат бўлган. Натижада нақшбандия сунний йўналишидаги аҳоли орасида чуқур ёйилган.

Шу зайдда, тасаввуф тарихи ислом тарихи билан бирга ривожланиб, ислом маданияти ва маърифатига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Агар дастлабки пайтларда Куфа, Басра ва Бағдод шаҳарларида санокли даражада зоҳид сўфийлар яшаган бўлса, бора-бора мусулмон оламида шайху машойихлар, сўфий дарвешлар, қаландарларнинг сони кўпайди, юқорида айтганимиздай бу ўзига хос бир ҳаракатга айланди. Биргина Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳотул унс минал ҳазаротул қудс” номли китобида 664 та шайху сўфийнинг номи зикр этилади. Бу XV асргача яшаб ўтган атоқли сўфийлар тазкираси, ваҳоланки улардан кўпларининг номи Жомий китобида зикр этилмаган, Навоий уларнинг бир қисмини “Насойимул муҳаббат” асарига киритган. Шулардан юздан ортиқроғи Туронзаминда етишиб чиққан

---

<sup>10</sup> Сайид Содик Гуҳарин. Тасаввуф истилоҳлари шарҳи. Техрон. 1347 ҳижрий йил.

бузургворлар ҳисобланади. XV асрдан кейин ҳам яна қанча азизу авлиёлар яшаб ўтганлар.

Тасаввуф тарихи ҳақидаги қисқача фикримиз ниҳоясига етар экан, яна бир нуқтани таъкидламоқчимиз: Тасаввуфда турли йўналишлар, яъни зоҳидона тасаввуф, орифона тасаввуф, ошиқона ва риндона тасаввуф оқимлари бўлгани каби сўфийлар ҳам турли қарашларга эга бўлган ҳар хил табиатли кишилар эдилар. Улар орасида зоҳидлар, мўътадил орифлар, исёнкор ошиқлар, мажзуб девоналар, дарбадар қаландарлар, донишманд файласуфларни кўрамиз.

“Мавлоно Жалолиддин, унинг ҳаёти, фалсафаси, асарлари” номли китоб муаллифи, туркиялик олим Абдулбоқий Гўпёнарли сўфийларнинг саккиз тоифасини ажратиб кўрсатади. Чунончи:

1. Ҳаёт ва дунё лаззатларига қаттиқ боғланган сўфийлар. Улар гуноҳу савоб, исён ва ахборни арзимас, ортиқча деб биладилар. Шаръий амрлар жамият интизоми учундир, бизга у тааллуқли эмас, биз завқу ҳол кишиларимиз, тақводан халосмиз деб ўйлайдилар.

2. Коинотни Парвардигор зоти олами тажаллисининг сурати деб биладиган сўфийлар. Улар дунёни нақш ва ранглардан деб билиб, бутун оламни эса Парвардигорнинг зотидан иборат деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Мутлақ Илоҳ дунё суратида тажаллий этибдур ва моҳият Унинг ўзидир. Ошиқ ва Маъшук ҳам Удир, демак, ҳақиқий қибла ҳам Унинг ўзидир.

3. Ҳамма нарсани Мутлоқ Илоҳ тажаллиси деб билиб, Исога ўхшаб фикр юритадиган ва ўнг юзингга шапатиласалар, чап юзингни ҳам тут, деган ақидани олға сурадиганлар. Улар зулмга эътироз билдирмайдилар, аммо мазлумларга иложи борича илтифот кўрсатадилар. Улар учун дунё ва унинг ишлари маънисиз, арзимас, инсон бурчини Илоҳни танишдан иборат деб биладилар.

4. Фалсафани, ақлни рад этувчи сўфийлар. Улар ҳаёл оламига ғарқ бўлиб, лоҳут оламидан сўз айтадилар, ўтмишдан ва келажакдан каромат

киладилар. “Ер юзидан хабарлари йўқ, аммо осмонни қадамлаб кезиб чиққандай гапирадилар. Оёқлари остидаги қудукни билмайдилар, лекин сайёралар сайрию самовий ажойиботлардан сўзлайдилар”<sup>11</sup>.

5. Ўз тасарруфларида фалсафа ва ҳикматни рад этмоқчи бўлган, лекин аслида сўфиёна ақидаларни фалсафий мушоҳадалар билан синовдан ўтказган, омухта этган сўфийлар. Булар орада қолганликлари учун шариат аҳли томонидан ҳам, тариқат аҳли томонидан ҳам маломатга учраганлар.

6. Тасаввуфнинг нозик ҳақиқатлари, фалсафа ва ҳикмат билан можароларини сезган ҳолда, аммо шариатдан кўнгил узолмайдиган сўфийлар. Улар тариқат одобини шариат аҳкомига сингдириб юборишга интиладилар ва тавҳид илмида мутаассиблар билан бир хил эътиқодда бўлишга уринадилар.

7. Шундай сўфийлар ҳам бўлганки, ўзларини замон Пайғамбари, кўкдан тушган Маҳдий деб эълон қилганлар. Замона охир бўлгани, охират ва дунё бирлашгани ҳақида хабар берадилар, ўзларини Оллоҳ зотининг ердаги кўриниши, Буюк адолат даврининг асосчиси деб таништирадилар. Бундай уринишлар тарихида қонли фожеалар билан тугаган.

8. Аросатда, зиддиятлар ичида қолган сўфийнамо кишилар ҳам бўлган. Улар на тоза мусулмон, на бутунлай ғайри иймондирлар. Дардлари ичларида, ёниб, қийналиб юрадилар. Бирор динга ёки мазҳабга боғланмайдилар. Аммо уларнинг ботиний олами ниҳоятда бой. Улар зоҳирларини беркитиб сир сақлаб юрадилар. Уларнинг аъмоли ва сўзларига диққат қилсангиз, зиддиятни кўрасиз. Барча ҳолларда Оллоҳга бандаликни бажо келтирадилар ва айни ҳолда сурату сийратлар, расму русумларни писанд қилмайдилар, ахлоқу илмлари билан барчадан устунликларини намоён этадилар, заковат ва қобилиятлари ҳайратланарлидир.

---

<sup>11</sup> Сайид Содик Гуҳарин. Тасаввуф истилоҳлари шарҳи. Техрон. 1347 ҳижрий йил. Б. – 292.

## **1.2. Тасаввуфнинг назарий асослари ва унинг ислом таълимоти билан уйғунлиги**

IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, сўфийларнинг амалий, руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниктириш табдир-усуллари шаклланди. Тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилди – тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди. Сўфийлар дастлабки пайтлар тасаввуфни нукул сиру асрор, тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар (иборага келмайдиган ишоратлар) деб ҳисоблаган бўлсалар, бора-бора бу ҳолатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилина бошланди, сўфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари, одобини яратиш зарурати туғилди. Натижада, тариқат ва шариат орасидаги муносабатлар, олам, одам ва Худо орасидаги алоқа-муомала моҳияти, тавҳид – ваҳдат масалалари мунозараларга сабаб бўлди. Дин арбоблари билан сўфий шайхлари, айниқса фалсафийлашган тасаввуф тарафдорлари жиддий мафкуравий тортишувларгача бордилар. Тасаввуф бутун Ислом оламини забт этиб, барча қадимий шаҳарларда хонақоҳлар қурилди, йўлларда рабатлар, азиз-авлиёларнинг мазоротида шайхлар маскан тутиб, кўплаб шогирдларни тарбияга олдилар.

Тасаввуфнинг илк даврида мақомот ва тариқат асосларини ишлаб чиқиш, сўфийлик йўриқларини белгилаш ва илоҳий ҳақиқатларни эл орасига ёйишда Абу Али ал Ҳорис Муҳосибий (781–857), Зуннуни Мисрий (796–861), Абу Язид Бистомий (вафоти 875), Жунайд Бағдодий (вафоти 910), Ҳаким Термизий (вафоти IX аср охири) ва Мансур Ҳаллож (858–922)ларнинг хизмати катта бўлган. Кейинчалик Абу Саид Абулхайр (967–1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006–1089), Аҳмад Яссавий (вафоти 1166) Яхё Сухравардий (1155–1191), Ибн Арабий (1165–1240), Нажмиддин Кубро (1145–1221), Баҳуоддин Нақшбанд (1318–1389) каби шайхул машойихлар тасаввуф илмини янги фикрлар, қарашлар билан бойитдилар, янги оқим, силсилаларини вужудга келтирдилар. Тасаввуф ҳақида бир қанча рисола ва китоблар ёзилди,

тасаввуф ғояларини қизғин тарғиб этувчи улкан шеърят вужудга келди. Тасаввуфга оид назарий китоб ва қўлланмалардан Абу Наср Саррож (вафоти 988 йил)нинг “Китобал лумаъ”, Ал Калабодий (вафоти 990 йил)нинг “Китобат таъарруф”, Абу Толиб Маккий (вафоти 998 йил)нинг “Қутал кулуб”, Абдурахмон Суламий (вафоти 1021 йил)нинг “Рисолатал маломатия”, Қушарий (вафоти 1072 йил)нинг “Рисола фит тасаввуф”, Ал Хужвирий (вафоти 1076)нинг “Кашфал маҳжуб”, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Манозил ас-соирин”, Фаридиддин Аттор (1119–1222)нинг “Тазкиратул авлиё” номли асарларини кўрсатиш мумкин. Булардан ташқари, Румий, Ҳофиз Шерозий, Маҳмуд Шабистарий асарларига ёзилган шарҳлар ҳам сўфиёна ишора ва тамсилларни англашда муҳим рол ўйнаган.

Тасаввуфга оид илмий китоблар ва дастурларда тариқат атамалари, мақомот манзилларини тушунтиришга кўп эътибор берилади. “Тариқат” сўзининг маъноси йўл демак. Яъни илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўли. Тариқатни тасаввуфнинг амалий қисми деб таърифлайдилар. Дарҳақиқат ҳам шундай, чунки пир-муридлик қоидалари, одобига риоя этиш, солиқ (яъни тариқатга қадам қўйган йўловчи) бажариши керак бўлган барча йўриқлар, иродат ва ишорат усуллари шу тариқат ичига киради. Тариқат ва унинг мақомотлари, маълумотларга қараганда, биринчи марта Зуннуни Мисрий томонидан баён этилган экан. Абдуллоҳ Ансорий ёзадики, Зуннуни Мисрийни фақат “каромат билан ситойиш” қилиш кифоя эмас, чунки унинг “илгида мақом ва ҳол суҳра эрди”<sup>12</sup>. Яъни мақом ва ҳол илми Зуннун қўлида ўйинчоқдай гап эди, дейди Ансорий. Навоий ёзади: «Ул кишиким ишоратни иборатқа келтурди ва бу тариқдин сўз айтди ул эрди»<sup>13</sup>.

Демак, Зуннун биринчилардан бўлиб, сўфиёна ҳолатлар, кароматларни сўз билан ифодалаган. Зуннуннинг ўзи ҳикоя қилиб дейдики, уч сафар қилдим

---

<sup>12</sup> Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат.

<sup>13</sup> Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат.

ва уч илм келтирдим: аввалги сафарда бир илм келтирдим, хос<sup>14</sup> ҳам, авом ҳам қабул қилдилар, иккинчи сафарда яна бир илм келтирдим, хос қабул қилди, аммо, авом қабул қилмади, учинчи сафарда яна бир илм ҳосил қилдим, на хос қабул қилди ва на авом. Зуннун айтган биринчи илм шариат илмидир, чунки шариат хосга ҳам авомга ҳам бирдай тегишли. Иккинчи илм – тариқат ёхуд муомалат ва муҳаббат илми, учинчиси эса – ҳақиқат, яъни Илоҳ ҳақидаги илмдир.

Агар Зуннун тасаввуфдан биринчи бўлиб “сўз айтган” бўлса, Жўнайд Бағдодий “бу илмга тартиб бериб, баст қилиб (жамлаб), кутуб битиди”<sup>15</sup>. Сўнгра Жўнайднинг кичик замондоши Шайх Абу Бакр Шиблий бу илмни минбар устига олиб чиқиб, элга ошкор қилди. Биринчи бўлиб муридларга раҳнамолик қилган ҳам юқорида номлари тилга олинган шайхлар бўлган.

Мурид – мурод, яъни мақсадга интилувчи одам; мурод эса – Аллоҳ Таъолонинг васли. Муриднинг асосий хислати ниёзмандлик, яъни талабгор бўлиш, муршиди комилнинг этагини тутиб, айтганларига сўзсиз риоя қилишдир. Пирсиз солиқ манзилга етолмайди. Чунки одам ўзини назорат қилиши қийин, токи биров раҳнамолик қилиб, йўл кўрсатмаса, мушқули осон бўлмайди<sup>16</sup>. Ҳатто энг яхши ниятлар ҳам агар раҳнамо бўлмаса, самара бермай, қалбдаги завқу шавқ нотўғри йўлда сарф бўлиши, муҳаббат исёнга айланиши ҳеч гап эмас.

Шуни эътиборга олиб, тариқатда пирга қўл бериб, ирода-ихтиёрни унга топширганлар. Шу маънода тариқатни иродат ҳам дейдилар. Яъни иродани шайх иродасига мувофиқлаштириш, шайх иродасини ўз иродаси деб билиш.

Иккинчи тарафдан, бу муриднинг иродаси, мардлиги ҳимматини синашни ҳам билдиради (мурид, мурод, ирода сўзлари ўзакдош), зеро дунёдан кечиб, Илоҳ йўлига ўзини бағишлаш улуғ мардликдир. Муридга раҳбарлик қилувчи пирнинг ўзи ажзу изтироб йўли – тариқат мақомларини

---

<sup>14</sup> Тасаввуф аҳли хос деганда илми ҳолдан хабардор сўфийларни, авом деганда эса, тасаввуфга ошно бўлмаган кишиларни назарда тутганлар

<sup>15</sup> Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат.

<sup>16</sup> Буни Алишер Навоий “Лисонут тайр” достонида Худхуд ва талабгор қушлар мисолида яхши кўрсатиб берган

эсон-омон босиб ўтган, қалби Илоҳ маърифатига лиммолим ориф инсон бўлиши керак. Пир ҳамма жиҳатдан муридга ўрнатилган бўлмоғи даркор: ҳам билимнинг чуқурлиги, ҳам тариқат усуллари яхши билиши, ҳам кўнгилнинг поклиги, нафсини маҳв этганлиги ва ҳоказолар билан ажралиб туриши, салобати, сўзи ва ҳаракати билан, суҳбати ва назари билан, тадбири ва ҳимояси билан муридга таъсир ўтказмоғи лозим.

“Агар шайхлик рукнлари нечта, деб сўрасалар, еттита деб айтгил, деб уқтиради Кошифий “Футувватномаи султонийя” асарида. – Биринчидан, шайх комил маърифат эгаси бўлсин. Иккинчидан, ўткир фаросатли, одамшунос киши бўлиб, бир нигоҳ ташлаш билан муриднинг қобилиятини илғай олсин. Учинчидан, етук руҳий-маънавий қуввати бўлсин, токи агар мурид тариқат йўлидан адашса, унга маънавий мадад бериб, мушкулени осон қила олсин, тўғри йўлга солсин, яъни нарсага муҳтожлиги бўлмасин. Бешинчидан, ихлоси мустаҳкам бўлиб, риё ва тамаъни тарк этсин, мол ва мансаб деб бировга сарғаймасин, эгилмасин. Олтинчидан, ростлик ва беғараз дўстликни шиор қилсин – ҳақ сўзини ҳар ерда, ҳар қандай шароитда айта олсин, гапирганда иккиюзламачилик қилмасин. Еттинчидан, қалбида шафқат нури порлаб турсин, мурид манфаатини ва умум манфаатини ўз манфаатидан устун қўйсин”<sup>17</sup>.

Пир муриднинг шодлигини ҳам, ғамини ҳам баҳам кўрган, уни насиҳат, танбеҳ ва илҳомбахш сўзлар, ҳаркатлар билан руҳлантириб, қуйидан юқорига қараб тарбиялаб борган. Кошифий давом эттириб ёзади: “Агар ҳақиқат пирлари ким деб сўрасалар, бунинг аломатлари қуйидагилар деб жавоб бергил: тунларни бедор ўтказиш, ёмонлар билан ўтирмаслик, илм ўрганиш, ғийбат ва ёлғондан сақланиш, одамлар хурсандчилигини ишташ ва шу хислатларни ўз муридларига етказиш”.

Бизнинг тарихимизда бундай мунаввар қалбли нажиб инсонлар кам бўлмаган. Улар ўз муридларини фарзандларидай яхши кўрганлар.

---

<sup>17</sup> Кошифий. Футувватномаи султонийя. Б. – 24.

Пир ҳеч қачон мурид молига кўз олайтирмаслиги, бирон-бир йўсинда тамаъга ишора қилмаслиги, аксинча, мурид қошида бирор мушкул иш туғилганда дарров ёрдам бериши, мушкулни ҳал қилиши керак. Муриднинг мушқули фақат моддий қийинчилик эмас, солиқлар буни ҳеч қачон эътиборга олмаганлар. Мушкул деганда тасаввуф аҳли маънавий муаммолар, юз берадиган ҳолатлар, туғилажак саволларни англайдилар. Пир ана шуларга жавоб топиб, муридларни қаноатлантириши шарт. Агар қаноатлантиришга кўзи етмаса, муридни бошқа ўзидан кучлироқ шайхга тавсия этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, солиқларнинг истеъдоди хилма-хил бўлганидай, пирларнинг мураббийлик қобилияти ҳам турлича бўлган. Баъзи шайхлар муридга тариқат одобини ўргатганлар, яъни уни хоксорлик, таслим ва итоатга келтириш, манманлик, ҳирсу ҳаво каби туйғулардан халос этиш билан шуғулланганлар. Баъзи шайхлар муридга руҳий каромати, мўъжизалари билан таъсир этганлар. Яна бир қисми шайхлар шогирдларига тасаввуф асосларини ўргатиш, назарий билимлар билан қуроллантиришга эътибор қилганлар.

Солиқнинг руҳий-маънавий камолотини “сайр” ёки “сафар” сўзлари билан тушунтирганлар. Сайр ва сафар тўғри маънода ҳам қўлланилган. Чунки сафар қилиш ажзу риёзат турларидан бири ҳисобланган. Кўп сўфийлар мусулмон мамлакатларини пиёда кезиб чиққанлар, атоқли шайхларнинг суҳбатига етишганлар. Айниқса, пиёда ҳаж сафарига бориш сўфий учун катта шараф деб қаралган. Лекин тариқат сафари деганда аксари руҳий сафар тушунилади. Сафар – кўнгилнинг Ҳақ сари таважжуҳи, бу тўрт хил бўлади:

1. Сайр иллаллоҳ (Оллоҳ томонга сайр). Бу нафс манзилларидан равшан уфқларга етгунча бўлиб, қалб мақомидир ва илоҳий исмлар тажаллиётининг чиқадиган жойидир.

2. Сайр филлоҳ (Оллоҳ оламида сайр). Унинг сифатлари билан сифатланиш ва исмларига етишиш орқали олий даражаларни топиш, руҳ мақоми ва Воҳидият ҳузурининг ниҳоятини таниш.

3. Жамъ маркази ва Аҳадият хузурига тараққий этиб бориш. Бу “қоба қовсайн” мақомидир. Иккилик бартараф бўлгач эса, “ав адно” мақомига эришилади.

“Қоба қовсайн” (икки қош ораси) ва “ав адно” (пастга ҳам қарамади) Пайғамбар (с.а.в.) меърожига ишора этувчи сўзлардир. Пайғамбар (с.а.в.) юзни фақат Аллоҳ сари буриб, унга яқинлашганлар. “Қоба қавсайн” мақоми Илоҳга яқинлашиш (қурб) мақомидир.

4. Сайр биллоҳ аналлоҳ (Оллоҳдан яна ўзига қайтиш).

Жамъдан кейинги фарқ ёки фанодан сўнг келадиган бақо мақоми шудир. Сайр ва сафар тушунчаларини соддароқ қилиб изоҳлайдиган бўлсак, кўйидаги маъно ҳосил бўлади: биринчи сафар – касрат (дунё) пардаларининг ваҳдат (Илоҳ) юзидан кўтарилиши; иккинчи сафар – ваҳдат пардасини касрат вужудидан кетказиш ва ботин орасидаги қайдларни бартараф этиш, айнан дунёнинг ўзида Уни кўриш; учинчи сафар – зоҳир (жузъ)дан жамъ сари тараққий этиш ва тўртинчи сафар – ҳақдан яна халққа қайтишдир. Ҳақдан халққа қайтиш деганда сўфийлар орасида: “расти-расиди” (“узилдинг-етдинг”) деган ибора бор. Бунинг маъноси халқдан узилсанг – Ҳаққа етасан, демакдир. Аммо бу ибтидодаги ният, бунга эришгандан кейин эса, энди сўфий халққа Ҳақ номидан гапира олиши мумкин бўлади, шу боис халққа қайтиш яна дунё машғулотига қайтиш эмас, балки дунёга Оллоҳ нурини таратишдир.

Тасаввуф аҳли билишнинг фалсафий йўллари – тасаввур, ҳис, мантиқий тафаккур ва ҳоказоларни ҳам эслаб ўтадилар. Бироқ уларнинг фикрича, ақлий-ҳиссий билиш зоҳирий – дунёвий билимга кифоя қилади, холос. Илоҳиётни англаш учун эса ақл ожиздир. Илоҳиёт илми ақлга сиғмайдиган, ақл ўлчовларидан баланд турадиган илмдир. Ибн Арабий айтадики, Худо ҳақида ҳам ақл тили билан гапириш мумкин, лекин ақл кучи билан Уни билиш мумкин эмас. Ақл исботни талаб қилади, далил – тажриба билан иш кўради. Ваҳоланки, Худонинг борлиги, зоту сифатларини далил орқали исботлаш мушкул. “Маърифат Ҳақ томонидан юборилади. Бу менинг

фикрим эмас, балки илоҳий илҳомдир”, деб ёзади Ибн Арабий. Оллоҳ билан хилватда қолган мард инсонда шундай ҳолат юз берадики, унда Илмлардан илҳом пайдо бўлиб, Унинг раҳмати билан юксалади. Дарвешдаги бу ҳолат оддий одамлар ва исбот-далил аҳли учун қоронғидир. Бу авлиёларга юбориладиган ладуний билим. Боязид Бистомий калом аҳлига қараб деган экан: “Сиз ўз илмларингизни жонсиз нарсалардан оласиз, биз эса абадий тирик Зотдан оламиз”. Боязид жонсиз нарсалар деб моддалар-ашёларни назарда тутди. Ладуний – раббоний билим Хўжа Хизрнинг билимига қиёс этгулик. Хўжа Хизр ҳаёт суви – абадий тириклик сувини ичгач, у ҳамма воқеадан, ҳамма аҳволдан, ҳамма кечинмалардан хабардор; нарсалар ҳосияти ва қонуниятини олдиндан билади, Худо унга ўз билимини тухфа этган.

Асли Испанияда туғилиб, мусулмон оламини кезиб чиққан, ўзининг “Футуҳоти Маккия”, “Фусусул ҳикам” асарлари билан тасаввуф фалсафасига улкан ҳисса қўшган Шайхи кабир Ибн Арабий (1165–1240) инсон билимларини учга бўлган: биринчиси – ақлий-ҳиссий билимлар, иккинчиси – ҳол илми (ҳолат, маҳол илми ҳам дейди у). Учинчиси – сирру асрор илми.

Биринчи илм зоҳирий фанлар билан шуғулланадиган кишилар илми бўлса, иккинчи илм ҳол мартабасига кўтарилган сўфийлар илми ҳисобланади, яъни важд ҳолатида кашф этилган илм. Учинчи илм – авлиёлар илми. Бу илм муқаддас руҳлар орқали келади, шуъла – нур кўринишида қалбга киради.

### 1.3. Марказий Осиёдаги тасаввуф тариқатлари

Тасаввуф ғояларининг тарқалиши, дарвешчилик ҳаракатининг ривож топишига турли пирлар, атоқли шайхларнинг номи билан боғлиқ тариқатларнинг аҳамияти катта бўлган. Тариқат (ёки сулук – йўллар) бир-биридан, аввало, юқорида айтганимиз, исломдаги икки йўналиш – шиа ёки суннага рағбати билан, иккинчидан, шариатга муносабати билан, учинчидан, муайян тариқат тарқалган аҳолининг қадимий тасаввур-одатлари, маданий даражаси билан ва, ниҳоят, тўртинчидан ҳар бир пири муршиднинг тарбия усули, маъқул деб ҳисоблаган руҳий-маънавий таъсир воситалари билан ўзаро фарқланган. Масалан, Месопотамия ва Эрон, Ҳуросонда тафаккурий-фалсафий йўналиш, Туркия, Африка мамлакатлари, қисман Ҳиндистонда шариатга зич боғланган йўналиш, Мовароуннаҳрда ҳам фалсафий ва ҳам шариат измидаги йўналишлар биргаликда ёйилган. Тариқатларнинг сони элликтадан ортиқ. Чунончи, тайфурия, заҳабия, ҳуруфия, ҳалложия, шозалия, жунайдия, суҳравардия, сафария, қодирия, неъматуллоҳия, чиштия, низомия, бектошия, нурбахшия, мавлавия, маломатия, қаландария, маъруфия, фирдавсия, нурия, кушайрия, халватия, адҳамия, аҳмадия ва ҳоказо.

Булардан тайфурия (Тайфур Боязид Бистомий номи билан боғлиқ), ҳакимия (Ҳаким Термизий номи билан боғлиқ), ҳалложия (Мансур Ҳалложга нисбат берилди), суҳравардия (Яҳё Суҳравардий номи билан боғланган) оқимлар кўпроқ назарий томонлари билан маълум. Чунки Бистомий, Ҳаким Термизий, Жунайд Бағдодий ёки Яҳё Суҳравардий махсус хонақо тариқатини тузиб, солиқ тарбияси билан шуғулланмаганлар. Уларнинг тарафдорлари бор, холос.

Қаландария, маломатия каби оқимлар эса бирор шайх номи билан боғлиқ бўлмаган, алоҳида йўналишлардир.

Марказий Осиёда қуйидаги тариқатлар қадимдан кенг тарқалган: **қодирия, яссавия, кубравия ва нақшбандия** (ёки «хожагон»).

Қодирия тариқати эронлик шайх Гилоний (Абдулқодир Гилоний 1077–1166) номи билан асосланган. У асосан Бағдодда яшаб кароматлар кўрсатиш,

илму риёзат билан машхур. Сунний мазхабидадир. Абулқодир Гилоний Жунайд Бағдодийнинг «сахв» (хушёрлик) концепциясини ривожлантирган, у муридлари орасида «Буюк мадакор» (Ғавсул аъзам) номи билан машхур бўлган. Унинг тариқати ҳозирги Арабистон мамлакатлари, Туркия ва Ўзбекистонда тарқалган. Абдулқодир Гилоний Мовароуннаҳрда бўлган эмас, аммо шунга қарамай унинг тариқатининг Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё томонларда ихлосмандлари ва издошлари бор.

Яссавия улуғ шайх ва шоир Хожа Аҳмад Яссавий (вафоти 1166 йил) асослаган тариқат. Шунини айтиш керакки, яссавия билан нақшбандиянинг илдизи Хожа Яъқуб Юсуф Ҳамадонийга (1048–1140) бориб такалади.

Аҳмад Яссавий илк устози Арслонбобдан хирқа кийиб, тасаввуф йўлига киргач, Бухорога бориб Ҳамадонийдан тариқат таълимини олади. Абдуҳолик Ғиждувоний билан бирга Ҳамадонийнинг энг ишонган халифасига айланади. Ҳамадоний вафот этгач, унинг ўрнига учинчи бўлиб шайхлик мақомига кўтарилади, аммо кўп ўтмай Бухородаги ишларини биродари Абдуҳолик Ғиждувонийга топшириб, ўз ватани Туркистонга қайтади ва бу ерда янги тариқатни таъсис этади. Унинг кўп сонли муридлари туркий халқлар орасида юриб, тасаввуф ғояларини ёйганлар. Яссавий овоз чиқариб зикр айтиш («зикри жаҳрия») ва кароматлар кўрсатиб мурид тарбиялаш, ҳилватда суҳбат қилишни йўлга қўйган. Унинг ўзидан кейинги силсиласини қуйидаги шайхлар давом эттирганлар: Сўфи Муҳаммад Донишманд, Суйламон Боқирғоний, Мансур ибн Арслонбобо, Луқмон Паранда, Абдумалик Тожхожа, Исҳоқбобо, Занги ота ибн Абдумалик, Саид Хоразмий, Халил ота, Хожа Бектош Валий, Узун Ҳасан, Садр Хожа, Бадр Хожа, Аҳмад Саййид, Камол Иқоний, Ҳазрати Башир ва бошқалардир.

Яссавия тариқати ҳозирги Марказий Осиё, Туркия ва Россия худудларида тарқалган.

Кубровиянинг асосчиси хоразмлик улуғ шайх Нажмиддин Кубро (1145–1221)дир. У кишининг исми Аҳмад, отасининг исми Умар бўлиб,

Нажмиддин, Кубро, Валитарош, Абулжанноб сўзлари у кишини шарафловчи куня ва лақаблардир.

У киши Миср, Эрон Ироқ, Шом мамлакатларини кезиб, турли илмларни эгаллаганлар. Шайх Рўзбехон Ваззон, Бобо Фараж, Шайх Ёсир Аммор, Шайх Исмоил ал Касрийлардан сўфийлик сирини эгаллаб, Хоразмга қайтиб, хонақо курганлар. Жуда кўп муридлари бўлган. У кишининг назари тушган одам албатта илоҳий файзу баракот топар экан. Улуғ шайх шогирдларига илоҳий ҳақиқатлар сирини очиш, поклик ва руҳий-маънавий юксалишни таълим берган. Нажмиддин Кубро бир неча китоблар таълиф этган, уларда инсон ва коинот, инсон руҳияти тадқиқ этилади. Ўзига хос тариқат йўли («усули ашъора» – ўнта усул) баён этилади.

Нажмиддин Кубро мўғул босқичларига қарши жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, қабри Кўҳна Урганчдадир.

Нажмиддин Кубронинг силсиласи:

Маждиддин Бағдодий, Сайфиддин Бохарзий, Саъдиддин Ҳамавий, Фаридиддин Аттор, Разиаддин Ахи Лоло, Нажмиддин Доя, Бадриддин Фирдавсий, Нажмиддин Муҳаммад, Садриддин Иброҳим, Азизиддин Насафий, Шайх Камол Жундий, Нуриддин Абдурахмон Исфаҳоний, Рукниддин Али ад Давла ас Симноний.

Кубравия Эрон, Покистон, Африкада тарқалган, фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония каби ўндан ортиқ шохалари бор.

Нақшбандия Бухорои шарифда шаклланган бўлиб, дунёда энг кўп тарқалган тариқатидир. Асосчиси Баҳоуддин Муҳаммад ибн Бурҳон ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389). «Нақшбанд», «балогардон» ул зоти шарифнинг муборак сифатларидир. Баҳоуддин Нақшбанд силсиласини юқорида келтирдик. Аммо бу бир шохасидир. Нақшбандиянинг Ҳиндистон, Малайзия, Филиппин, Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Россияда яна кўплаб тармоқ силсилалари бор. Ҳатто ғарбий Европа ва АҚШда ҳам бу тариқат тарафдорлари бор. Лекин шуни қайд этиш керакки, хорижда яшовчи «нақшбандий»ларнинг бир қисми асл Нақшбанд тариқатидан узоқлашиб

қолганлар. Нақшбанд зикри хуфий (сокин зикр) тарафдори, у киши суҳбатни тарбиянинг асосий қуролига айлантириб, хилватнишинликни ҳам, самоу рақсни ҳам қабул қилмаганлар. Балки ботиний оламини ривожлантириш, шариатдан узоқлашмасдан сўфийлик мақомини эгаллашни талаб қилдилар. Нақшбанд ҳазратлари амал қилган «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман», «хуш дар дам», «назар дар кадам», «дил ба Ёру даст ба қор» шиорлари одамни ҳам маънавий юксалишга кўмаклашади ва ҳам жамиятда баҳамжихат яшаб ўзаро бир-бирига ёрдам бериш, меҳнат, бунёдкорлик билан юртни обод қилишга сафарбар этади.

#### **1.4.Тасаввуф ва калом илми (Имом Ғаззолий қарашлари асосида).**

**Имом Ғаззолий** – Шарқнинг дунёга машҳур мутафаккирларидан, калом илми (фикҳ, тафсир, ҳадис), фалсафа ва тасаввуф масалалари бўйича бир нечта жаҳоншумул аҳамиятга эга китоблар муаллифи. Ғаззолий асарлари 1145 йилдан бошлаб Европа тилларига таржима қилина бошлаган, Данте, Бекон, Дидро, Руссо, Гегел уни донишманд мутафаккир сифатида тилга оладилар. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий (1058–1111) Эроннинг Тус шаҳрида туғилган. Нишопурда калом илмининг алломаси Ашъарий Жувайнийдан таълим олиб, шу соҳанинг билимдони сифатида ном чиқаради. Салжуқийлар вазири Низомулмулк уни Бағдодда курдиргани Низомия мадрасасига ишга таклиф этади. 1095 йилда Ғаззолий Бағдодни тарк этиб, кўп шаҳарларни кезиб чиқади, 11 йилдан сўнг яна Бағдодга қайтиб оз муддат дарс бериш билан шуғулланиб, кейин она шаҳри Тусга қайтади. Хонақо ва мадрасаларда маҳаллий ёшларга таълим бериб, шу ерда оламдан ўтади.

Имом Ғаззолий ўз замонининг барча илмларини ўрганиб, уларга муносабат билдирган алломадир. Уни калом илмининг схоластик усуллари ҳам, фалсафанинг ҳаддан зиёд ақлий мушоҳадакорлиги, ички зиддияти ҳам, исмоилийларнинг бир ёқлама қарашлари ҳам қаноатлантормаган. Ғаззолий ҳар бир илмга унинг инсон табиати ва руҳиятига қанчалик мос келишига ва инсон камолотига хизмат қила олишига қараб баҳо беради. У улў руҳшунос олим сифатида иш кўради. Калом илми ўзининг ақидалари (догмалари) билан инсон юрагига йўл тополмаслигини, Худони англаш ва севишга етарли эмаслигини англаган олим тасаввуфда бунинг имкониятлари борлигини кўради. Айнан тасаввуфда дин ва иймоннинг руҳий-психологик жиҳати мужассамланган. Чунки тасаввуфда Худони қалб билан идрок этиш, ҳис-ҳаяжон, муҳаббат орқали қабул қилиш бор (буни юқорида кўриб ўтдик). Ғаззолий каломдаги ақлий муҳокамаларни сўфиёна ҳиссий идрок усуллари билан қўшиб, исломий илмларга янгидан руҳ бағишлади, уларни «тирилтирди». Бошқача айтганда, калом нуқтаи назаридан тасаввуфни ва

тасаввуф нуктаи назаридан калом илмини назардан ўтказди. «У тасаввуфнинг барча қоидаларини таҳлил қилиб, текшириб чиқди, улардан қайсилари суннага мувофиқ келишини, қайси томонлари тўғри келмаслигини аниқлаб берди»<sup>18</sup> Бундан, Ғаззолий тасаввуфни каломга мослаштириш билангина шуғулланган, деган хулоса чиқмаслиги керак. Имом Ғаззолийнинг ҳусни таважжуҳи кўпроқ тасаввуф томонида эди. Унинг тадқиқотлари наинки тариқат билан шариятни чуқур илмий-назарий жиҳатдан яқинлаштиришга хизмат қилди, балки ҳар икки томон ривожини учун фойдали бўлди.

Ғаззолий назарида олий даражадаги мустаҳкам иймон сўфий иймонидир, шунинг учун фано йўлидаги беинтиҳо ишқни исломнинг зарурий руқнларидан ҳисобламоқ керак. Имом Ғаззолий ўзининг «Иҳёи улум ад-дин» (Диний илмларнинг қайта тирилиши) ва «Кимёи саодат» (Саодат кимёси) номли китобларида тасаввуфни ислом илмларининг таркибий қисми сифатида чуқур ўрганган, тариқатни одам ахлоқини покловчи ва ҳалок этувчи ҳислатлардан қутқарувчи йўл деб кўтсатади.

Ғаззолийнинг худди шу иши Ибн Жавзийга ёқмаган. Унинг ёзишича, Ғаззолий «Иҳёи улум ад-дин»да ботил (нотўғри деб топилган) ҳадислар ёрдамида тасаввуфни оқламоқчи бўлади, «Ҳолбуки ўзи ўша ҳадисларнинг ботиллигини билмайди», дейди у. Ғаззолий сўфиёна кароматларни бор нарса, ҳақиқат деб айтади, дунё Парвардигор пардасидир, шунингдек, шарият ҳам зоҳирий нарса, сўфийлар фаришталар, руҳлар анбиёларни кўрадилар ва улардан куйлар эшитадилар ва бунинг фойдаси катта деб ёзади. Бу ахир исломни бузишқу, деб хитоб қилади Ибн Жавзий. «Талбиси иблис» китобининг муаллифи Ғаззолийни ислоҳотчилик (реформаторликда) айбланган. Ваҳоланки, ислом тарихида ислом илмининг ривожини учун Имом Муҳаммад Ғаззолийчалик хизмати сингган одам кам бўлса керак. Ғаззолий исломни назарий жиҳатдан бойитди, уни янги давр талабига мос равишда ривожлантирди, мустаҳкамлади. Исломни дунёга машҳур этди. У «хужжатул

---

<sup>18</sup> Е.Э.Бертадьс. Суфизм и суфийская литература. М., «Наука», 1965, стр. 43.

ислом» – ислом ҳужжати деган лақабни бекорга олмаган. Мана бу ривоят ҳам Ғаззолийнинг буюклигига ишорадир.

Абдурахмон Жомий «Нафаҳотул унс» китобида келтиради: Хожа Буали Формадий дерки, Ғаззолийнинг баъзи ишларидан норози бўлиб юрар эдим. Бир кун уйқу босди, ярим уйқу, ярим уйғоқлик орасида туш кўрдим: катта бир майдон ўртасида оқ иморат бўлиб, одамлар турнақатор тизилиб шу иморат томон борардилар. Сўрадимки, бу не иморат ва сизлар кимсизлар? Жавоб бердиларки, бу бинода Ҳазрати Росулulloҳ (с.а.в.) ислом дини ҳақида китоб ёзганларни қабул қилмоқда, биз китоб ёзган кишилармиз. Мен ҳам улар орқасидан турдим ва бино ичкарасига кирдим. Ҳар бир мазҳаб эгаси тасниф этган китобини Пайғамбар (с.а.в.)га кўрсатарди. Имом Шофиъий, Имом Абу Ҳанифа ва бошқалар китобларини кўрсатдилар. Росулulloҳ (с.а.в.) уларни ўз ёнига ўтқазиб, сийлади. Ҳамма тинчигандан кейин мен овоз чиқариб дедим: «Ё Росулulloҳ, (с.а.в.) менинг қўлимда ҳам аҳли ислом ақидасини баён этувчи бир китоб бор, агар ижозат берсангиз, ўқиб берай». Росулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Қандай китоб?». Дедим: «Қавоидул ақоид» деган китоб, Ғаззолий таълиф этган. Менга китобни ўқишга ижозат бердилар, ўтириб ўқий бошладим. Расули Акрам (с.а.в.) сифатлари таърифига етганимда юзлари ёришди ва табассум қилиб, дедилар: «Қани Ғаззолий?». Ғаззолий ўша ерда эди, жавоб берди: «Ғаззолий менман». Росулulloҳ (с.а.в.) қўлларини узатдилар, Ғаззолий ул муборак қўлни ўпди ва кўзларига суртди ва Пайғамбар (с.а.в.) ишораси билан тўрт мазҳаб соҳиби бўлган имомлар қаторига бориб ўтирди».

Бу ривоят, аммо унинг замирида катта ҳақиқат бор. Ҳақиқат шуки, Имом Ғаззолий аъламул уламо, буюк диншунос аллома сифатида ислом оламида тан олинган эди. Бундай улуғ шайхнинг тасаввуфга ҳусни таважжуқ этиши эса бежиз эмас эди. Чунки Ғаззолий бирданига сўфийлар тариқатини қабул қилганлардан эмас. У бошида фикҳ ва Ҳадис олими сифатида машҳур бўлган, ўз замонасининг барча имларида тенгсиз устоз сифатида танилган эди. Шарқнинг энг нуфузли мадрасаси Низомияда раисул уламо лавозимига

тайинланиб, уч юз толиби илмга дарс ўқирди. Аммо ёши элликка етганда бирдан мадрасани, дўстлари ва шогирдларини ташлаб, узлатни ихтиёр этди ва бунинг сабабларини ўзининг «Ал Мунқиз миназ залол» (Гумроҳликдан қутулиш) китобида баён этди.

«Мени тақлид тубанлигидан басират баландлигига қандай журъат етказинини сенга ҳикоя қилай», деб бошлайди китобини Ғаззолий. «Калом илмидан нима олдим, аҳли таълим (исмоилия мазҳаби) ва имомга тақлид қилувчиларким, ҳақиқатни англашдан узрли ва ожиздирлар, қандай нафрат пайдо бўлганини айтай. Ва фалсафа тўқиш шевасини арзимас деб билганим. ва тасаввуф тариқатини қандай афзал билганимни айтай».

Унинг ёзишича, ёшлигидан қалбида ҳақиқатга ташналик ҳисси борлиги учун «қўрқмасдан ўзини чуқур дарёга» ташлаган, яъни ҳар бир илмни дадиллик билан ўргана бошлаган. Ҳар бир тоифанинг ақидасини яхшилаб тафаккурдан ўтказган ва қоникмай яна ўргана бошлаган. Имом Ғаззолийнинг уқтиришича, илм икки хил бўлади. Бири – тақлидий илм, яъни ўтмишдан мерос қолган, ота-она ва устозлардан олинадиган билимлар. Иккинчиси – кашф этилган илм. Тақлидий илм кўр-кўрона эргашиш билан бўлади, кашф этилган илм эса ҳар бир шахснинг қобилияти, шуурий изланиши орқали кўлга киритилади. «Менинг мақсадим амрлар ҳақиқатини кашф этиш эди», дейди муаллиф. Зотан, ҳаётда жуда кўп одамлар тақлидий билмилар билан қаноатланадилар. Чунки янгилик яратмай, тайёр хунарлар, илмларни ўрганиб, кўп қатори яшаш осон. Аммо тараққиёт учун, инсоният тафаккурини олға силжитиш учун илоҳий ва дунёвий ҳақиқатларни, моҳиятларни излаш, кашф этиш зарур. Бу – айрим буюк шахсларнинг насибаси.

Шундай буюк шахслардан бири бўлган Имом Абу Ҳомид Ғаззолий Ҳақиқат толиби бўлиб, аввал калом илмини, сўнгра фалсафани, кейин исмоилия таълимотини ва охири тасаввуфни ўрганишга киришган. У илми калом ҳақида, фалсафа ва исмоилия ҳақида бир нечта китоб ёзади. Олим

шундай хулосага келадик, илми калом ҳам, фалсафа ва исмоилия ҳам илоҳий ҳақиқатларни янгилаштиришга қодир эмас. Мана унинг хулосалари:

«Мутакаллимлар ўз ақидаларини чуқурлаштириш учун жавҳар ва араз (фалсафа тушунчалари) масалаларида баҳс бошладилар ва фалсафага қўл урдилар. Лекин улар илмининг мақсади бошқа бўлгани сабабли уларнинг сўзи нишонга етмади ва одамлар орасидаги шак-шубҳаларни бартараф қилолмадилар».

«Икки йил ичида файласуфлар илмини эгалладим. Яна бир йил тафаккурга берилдим. Уларнинг китобларини такроран ўқир эдим. Уларнинг хато ва адашишларини англадим, раддига йўл топдим ва билдимки (фалсафа) инсон камоли учун етарли эмас».

«Таълимийлардан (исмоилия аҳли) бир кишини учратдим уларнинг китобларини топиб ўқидим, сўзларини кўрдим. Уларнинг фасод-хатоларини далиллар билан исботладим. Хулоса шуки, уларда ҳам ишга ярайдиган ва фойда берадиган сўз тополмадим».

Шундан кейин Ғаззолий тасаввуф ва тариқатга юзланади. У ёзади:

«Ҳақиқат юзасидан англадимки, бу жамоат, (яъни сўфийлар) аҳвол эгаларидирлар, сўз аҳли эмаслар. Бу илми таҳсил билан имкон қадар ўргандим, аммо қолган нарсаларни дарс таҳсили ва суҳбат билан эгаллаб бўлмасди, балки бу завқ ва сулукни талаб қиларди. Менга шу нарса аён бўлдики, тариқатнинг асоси тарки нафс, тарки халойиқ экан, уқбога кўнгил боғлаш, бутун ҳиммат билан Худо сари юзланиш экан. Ўз ҳолимга қарадим ва кўрдимки, тааллуқларга ғарқ, дунё ташвишига кўмилган эканман».

Шундан кейин Ғаззолий қалбида ўтли ғалаёнлар бошлангани, шариат илми ва фалсафадан, дарсу таълимлардан совиганлигини ёзади. «Худо оғизимга қулф урди ва дарс айтолмадим, дейди у, овқат томоғимдан ўтмади, қувватим сусайиб борарди». Табиблар уни кўриб руҳий муолажага муҳтож эканини айтадилар. Ғаззолий сафарга чиқиб ўн йил шаҳарма-шаҳар юради. «Ва бу хил вақтларда менга шундай нарсалар намоён бўлдики, деб таъкидлайди улуғ олим, айтиб адо қилолмайман. Аниқ билидимки, сўфийлар

Худо Таъоло йўлининг ошиқу соликлари экан ва уларнинг сийратлари, сийратларнинг энг яхшиси ва уларнинг йўли энг тўғри йўл ва ахлоқлари энг покиза ахлоқдир. Шу даражадаки, агар дин асрорининг барча оқилу донишмандларини бир-бирларига кўшсалар ва хулқу атворлари, сийратларини ўзгартирсалар ва яхшиласалар ҳам бу даргоҳга йўл топмаслар. Чунки сўфийларнинг жамики ҳаракат ва сўзлари зоҳиру ботинда Пайғамбар (с.а.в.)нинг чароғдонидан нур олгандир. Барча мукошофа ва мушоҳада Пайғамбар (с.а.в.) нурларидан бошланади».

Имом Ғаззолий тасаввуфдаги илоҳий муҳаббат, ишқ, самоъ ҳодисаларига ижобий муносабатда бўлган, бу ҳодисаларни ҳам инсон руҳияти билан боғлаб тушунтирган. Унинг уқтиришича, инсон руҳиятида кечадиган, руҳни яйратадиган жами воситалар Аллоҳ муҳаббатини кўпайтиришга сабаб бўлади ва сўфийни улуғ даргоҳга яқинлаштиришга хизмат этади. Масалан, у «Кимёи саодат» асарида самоъ ҳақида бундай ёзади: «Уламо орасида самоънинг ҳаром (маън қилинган) ёки ҳалоллиги (руҳсат этилган) масаласида ихтилоф бор. Кимки самоъни маън қилган бўлса, зоҳир аҳлидандирки, у Ҳақ Таъолонинг муҳаббати шахс дилида қандай пайдо бўлишини англамайди. Одам боласи ўз жинсини севиши мумкин. Аммо на унинг жинсидан бўлган, на унга ўхшамайдиганни қандай қилиб севади? Бас, унинг кўнглида маҳлуқ ишқидан бошқа ишқ бўлмайди ва агар Холиқнинг ишқи пайдо бўлса, у ўхшатиш ҳаёлига бориб, буни ботил ҳисоблайди. Шу сабабдан дейдики, самоъ ёки кўнгилхушлик ўйинидир ёки маҳлуқ ишқидандир ва бунинг иккаласи ҳам динда номақбулдир.

Агар бундай одамдан халқ учун вожиб бўлган Худо севгиси нимадир деб сўрасалар, амрга итоат қилиш ва тоат деб жавоб беради. Ва бу ушбу қавмга хос улуғ хатодир».

Ана шу «улуғ хато» нима эканлигини исботлаш мақсадида Ғаззолий инсон кўнгли истакларига мурожаат қилади. «Самоъ ҳақида ҳукм чиқариш учун гапни аввало кўнгилдан бошлаш керак, деб ёзади олим, чунки самоъ кўнгилда бор нарсани юзага чиқаради, ҳаракатга келтиради. Кимнинг кўнглида Маҳбубга муҳаббат учқуни бўлса, самоъ уни кучайтиради, аланга олдиради. Бундай

пайтда самоъ савобдир (раводир). Самоъни ёқимли бўлгани, хурсандчилик келтиргани учун ҳаром дейиш тўғри эмас. Ёқимли нарсалар ҳаром эмас, ёқимлилардан зарарли бўлганларигина ҳаромдир».

Ғаззолийнинг мана бу фикри ҳам муҳим: «Шуни билгилким, кимки самоъ ва важдни, сўфийлар аҳволини инкор этса, у буни ўзининг ноқислиги, калтафаҳмлигидан қилади». Демак, курук ақидапарастлик, зоҳирий билимларга ёпишиб олган одамнинг фикри заиф, тор ва ноқис, бўлади. Билим кенгайиши учун инсон ақл ва тафаккур билан бирга қалбини ҳам ишга солиши лозим. Камолот йўли шу. Маълум бўладики, Ғаззолий ҳар бир масалага ҳаётий эҳтиёжлар нуқтаи назаридан ёндашади, курук шиорлар ташлаш, маълум, неча марта қайтарилган гапларни такрорлайверишни олим кишининг иши эмас деб ҳисоблаган. Масалан, у илоҳий муҳаббатнинг зарурий нарса эканлигини «Иҳёи улум ад-дин» асарида мана бундай исботлаган: инсон ўзига яхшилик қилган одамни яхши кўради, гўзал нарсаларни яхши кўради, умуман яхшилик ва гўзаллик севимли, демак, жамики яхшиликлар (эзгулик) ва нафосат мужассами бўлмиш Аллоҳ Таъолони севишимиз табиий ҳолдир.

Ёки у тасаввуфдаги «узлат» тушунчасини бундай изоҳлайди: узлатнинг олти хил фойдаси ва олти хил зарари бор. Аввало шуки, деб таъкидлайди олим, узлат мутафаккир инсонлар учун зарурий эҳтиёждир. Инсон бот-бот ўзи ёлғиз қолиб, хаёл ва тафаккурга ғарқ бўлишни хоҳлайди. Илоҳ ишқида ёнган кишилар учун бу эҳтиёж яна ҳам кучлироқ. Шундай қилиб, узлат «фикр фароғати»ни юзага келтиради, «кўп изтироблардан одамни халос этади», фитнадан қутқаради, «гумон ва тухмат ранжидан озод» этади, «таъмадан узилади, одамлар ҳам ундан таъма қилмайдилар», нохуш одамлар суҳбатидан халос этади. Бу узлатнинг фойдаси.

Энди зарарига келсак, узлат қилган одам илмни оширишдан маҳрум бўлади, одамларга манфаат етказолмайди, ўзи ҳам манфаат кўролмайди, кишиларни дину диёнатга даъватдан четда қолади, «васвос ғалаба қилиб, зикрдан нафратланиши мумкин, савоблар (ҳол сўраш, касал кўриш каби)дан

курук қолади, такаббурга берилади, чунки «узлат ҳам такаббурнинг бир тури».

Кўринадики, Имом Ғаззолий бир томонлама муҳокамалар, яъни мана бу яхши, буниси ёмон каби ҳукмлар тарафдори эмас. У ҳар бир ҳодиса-воқеани турли томондан олиб қарайди. Жумладан, калом илмини ҳам, фалсафани ҳам, тасаввуфни ҳам қайси жиҳатлари эътиқод-иймонни мустаҳкамлайди, инсон учун зарур ва фойдали, қайси томонлари қусурли, зиддиятли, инсон эътиқоди учун зарарли эканини кўрсатиб беради. Унинг қудрати чексиз билимида, у гарчи перипатетик файласуфлар Аристотел, Форобий, Ибн Синоларни танқид қилган бўлса-да, аммо ўзи тавҳид, таваккул, қазову қадар, ақли кулл, сурат ва маъно, оламлар тузилиши, («Иҳёи улум ад-дин» асарига олам зарралардан ташкил топган, зарралар домий ҳаракатда деган фикрни билдиради), табиий жисмлар хусусиятини ўрганганда фалсафа ютуқларидан фойдаланади. Шундай таассурот туғиладики, Имом Ғаззолий Ибн Синоларга қараганда кўпроқ исломий муҳит ичида фикр юритади, кўпроқ шарқликдир. У жами илмларни ислом илми, исломий тафаккур тараққиётига хизмат қилдирди. Ғаззолийнинг тадқиқот усули рационалистик усул, аммо дунё ва Илоҳни англашда у ирриционат йўлини ҳам мақбул ҳисоблади, ирфоний билишни билишнинг юксак кўриниши деб ҳисоблади. Одамнинг ўзини таниши ҳам шу йўлдан бориши зарур, инсон ўзини танимай оламни ва Илоҳни таний олмайди. Жамики илмлар, қарашлар, таълимотлар шунга хизмат қилиши керак.

Имом Ғаззолий меросини ўрганиш ислом фалсафаси тарихини ёритиш, калом илми, фалсафа ва тасаввуф орасидаги муносабатларни ёритишда катта аҳамиятга эга.

## II БОБ. ТАСАВВУФНИ ЎРГАНИШНИНГ БУГУНГИ ДАВРДАГИ АҲАМИЯТИ

### 2.1. Тасаввуф онтологияси ва гносеологиясининг ислом таълимотини ўрганишдаги аҳамияти

Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз орасида Абдулхолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида ажралиб туради. Отабобларимиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни «Баҳоуддин Балогардон» деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олийжаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бутун айтилгандек жаранглайди.

Бу мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга, ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт – бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказади<sup>19</sup>.

Тасаввуф фалсафасига биноан, Оллоҳ Таъоло аввал Муҳаммад (с.а.в.)нинг нурини яратди. Сўнгра шу нур туфайли оламларни ва одамларни яратди. Шундай қилиб, олам асосида Муҳаммад (с.а.в.) нури ёки Муҳаммад (с.а.в.) ҳақиқати ётади. Оламлар бошида Муҳаммад (с.а.в.) нури мавжудлиги сабабли биринчи инсон ҳазрати Одам Сафиуллоҳни Муҳаммад (с.а.в.)нинг ўғли, бошқача қилиб айтганда, Муҳаммад (с.а.в.)ни Одам Атога нисбатан ҳам ота, ҳам ўғил дейиш мумкин.

Муҳаммад (с.а.в.) нуридан сўнг лоҳут олами вужудга келган. Лоҳут олами илоҳиёт олами ва демак, ундан кейин жабарут, яъни буюклик олами ва унинг кетидан малакут олами – фаришталар олами яратилди. Лоҳут Ҳақ зотини ифодаласа, жабарут нурлардан иборат оламдир, малакут эса латиф

<sup>19</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008. Б. 40-41.

руҳлардан тузилган олам. Аммо айтиб ўтилган оламларда шакл – аъроз йўқ. Бу хусусият жисмлар олами бўлмиш мулк оламига хос. Мулк оламини шаҳодат олами ёки олами носут ҳам дейдилар. Булардан ташқари, айрим назариётчилар бадан олами, яъни инсон оламини ҳам алоҳида олам сифатида қайд этганлар. Чунки инсон олами олами сағир (кичик олам) сифатида олами кабир (катта олам) деб номланадиган юқори оламларнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Мазкур қараш инсоннинг икки асосдан иборатлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Парвардигори олам инсон руҳини ўз раҳмоний нафасидан ато этган экан, биз Мутлақ руҳнинг бир қисмимиз ва шу сабабли ўз аслимизга қараб интиҳосиз соғинч ва муҳаббат билан интиламиз. Бу интилиш аслимизни англаш билан амалга ошади. Шу маънода илоҳий ишқ билан илоҳий маърифат маънодош тушунчалардир. Ёки соддароқ қилиб айтганда, Ишқ инсонни маърифатга олиб борадиган қудрат, инсонни моддий асосдан покловчи, холи этувчи муқаддас олов. Ишқ бизнинг вужудимизни куйдириб, мусаффо этади, бизда тажрид ва тафрид (покланиш, яккаланиш) юз беради. Шу боис ошиқлар халқдан чекинадилар, чунки уларнинг руҳи дунёвийликни ёқтирмайди, хилватни қўмсайди, ҳамма вақт ўз Мавлоси – Оллоҳи билан бирга бўлишни истайди. ИШҚ – камолот калити ва иксири аъзам, ишқ мис вужудимизни олтинга айлантирувчи кимё. Ишқ одамни ҳайвонликдан халос этади, одамзод наслини бадбахтлик, фалокатлардан қутқаради, барча иллатларимизнинг давоси ҳам шу. Шу тариқа, тасаввуфдаги асосий талаб-руқнлар: Риёзат, Иродат, Узлат, Маърифат (Ирфон), Ишорат ва Муҳаббат «ишқ» тушунчасида мужассамланади.

Ишқ солиқни фанога ва ундан кейин бақога олиб боради. Аммо бунда икки хил йўл, тўғриси – икки хил майл бор: бири – ҳаяжонли, сершовқин, руҳий кечинмаларни ғалаёнлар ичра изҳор этиб бориш майли бўлса, иккинчиси – осойишта, тамкинли; чуқур дарёнинг тубига ўхшаган ҳайбатли вазмин, ички дарди қудратини яшириш майли. Биринчи майлнинг йирик намояндалари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Абусаид Абулҳайр, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шамс Табризий, Бобораҳим

Машраб. Иккинчи майл тарафдорлари каторига Жунайд Бағдодий, Нажмиддин Кубро (бутунлай бўлмаса ҳам), Саъдий Шерозий, Баҳоуддин Нақшбанд кабиларни киритиш мумкин. Боязид Бистомийдан олдин ҳам муҳаббат ҳақида гапирган сўфийлар бўлган. Аммо Боязид хизмати шуки, у бу нуқтаи назарни сўфий руҳияти билан боғлади. Унинг уқтиришича, ваҳдат ва фано шундай бир руҳий ҳолатда юз берадики, солиқ худди шароб ичган одамдай маст бўлиб ўзини унутади. Бу ҳолатни у «сукра» – «мастлик» (девоналик) деб атади. Унингча, маст бўлмаган одам ошиқ эмас, ошиқ илоҳий шароб – «шароби антахурдан» масту мустағриқ кишидир, у ўз вужуди – ўзини буткул унутади ва шунда аллақандай тушунтириб бўлмас бир қобилият пайдо бўлиб, солиқ Илоҳ маърифатини ҳис қила бошлайди. Шайх Тустарий буни ҳайрат тушунчаси орқали қуйидагича баён этган: «Қурб мартабалари ошган сари Оллоҳ улуғворлигининг асарлари зиёдроқ бўлади ва нодонликка қарама қарши ўлароқ илм кўпаяверади ва тасаввуфий маърифат орта боради ва ҳайрат устига ҳайрат қўшилаверади ва «Эй Раббий, ҳайрат оғушидаман», деган нидо кўтарилади».

Дарҳақиқат, маърифат ҳайратнинг натижасидир. Маърифат буюк Илоҳ оламлари бепоёнлиги, истиғноси – муҳтожсизлигини, Зоти жавҳарини қалб билан ҳис этиш ва кўнгил билан таниш демак. Шундай қилиб, маърифат – руҳ ҳодисасидир, фақру фано ҳам руҳнинг камолидан нишонадир.

Аммо Жунайд Бағдодий (вафоти 910) Боязидни танқид қилиб, «сукра» йўли фақат солиқнинг ўзига нажот келтиради. Сукрага кирган одамнинг ўзгаларга нафи тегмайди. Ҳолбуки, мақсад фақат ўзингни маърифатга етакзиш эмас, балки бу маърифатдан бошқаларни ҳам баҳраманд этишдир, дейди. Шундай экан, бехудлик даражасидан кейин, илоҳий маърифатга қалби тўлишиб, қайта хушёр тортган ориф улуғроқдир. Негаки, энди у ўз билимини халққа етказиб, юзлаб дилларни маърифат нури билан ёритади. Бу қараш «саҳв», яъни хушёрлик концепцияси номи билан шуҳрат топди. «Тасаввуф нима?» – деган саволга Жунайд Бағдодий: «Тасаввуф бир дам беғам бўлишдир», – дея жавоб берган. Бу гапнинг тагида маъно кўп. Бир дам

беғамлик – бу қалб осойишталиги, инсоннинг аслига етгандан кейинги тамкинли саодати, дунё ташвишлари, нафс қутқусидан озодлиги ва хоказоларни англатади. Шу билан бирга, бир дам беғам бўлиш ҳаддан зиёд тўполон-ғалва қилмаслик, ҳаяжонланмасликни ҳам билдиради. Чунки Боязид сулукидагилар, айниқса, Мансур Ҳаллож бегоқат бўлиб, ўз кашфларидан маст ўлароқ жони ичига сиғмай, фикрларини ошқоро элга айтди. Бу эса яхши оқибатларга олиб келмасди, албатта. Тасаввуф сирлари, ҳикматларини оммалаштириш хавfli деб ҳисоблайди Жунайд. Зеро, авом нозик маъноларни англашдан ожиз. Оқибатда нотўғри талқинлар пайдо бўлади ва иймон-этикодга путур етади. Шунинг учун бўлса керак, Жунайд Мансурни ошиш тўғрисида тайёрланган фатвога ўзи ҳам қўл қўйди. Жунайд Бағдодий айтишича, ҳақиқий бақо «сахв» – ҳушёрликка қайтишдан кейин бошланади. «Сукра»даги одам бамисоли денгизга шўнғиб, фарқ бўлган киши бўлса, «сахв»га қайтган киши денгизга шўнғиб, гавҳар доналарини олиб чиққан ғаввосидир.

Шундай қилиб, Боязид Тайфур ибн Исо Бистомий тасаввуф тарихида важдий (иррационал), интуитив билиш назариясининг асосчиси ҳисобланса, Абулқосим Жунайд Муҳаммад ал Қаворирий ал-Бағдодий илм ва ақлга суянадиган «хушёрлик» (рационал) билиш назариясига асос солди ва тасаввуф таълимотини илмий-назарий қарашлар билан бойитишга улкан ҳисса қўшди. Замондошлари Жунайдни беҳудага «ақл ҳайкали» деб атамаганлар.

Агар тасаввуф тарихини кўздан кечирсак, бу икки концепция кўп асрлар давом этганини ва тасаввуфнинг хилма-хил оқимлари, силсилаларининг вужудга келишига сабаб бўлганини кўраимиз. Яна шуниси ҳам маълумки, ҳар икки оқимни бирлаштиришга уринганлар ҳам бўлиб турган.

Ривоят қиладиларки, Нажмиддин Кубро Табризда Бобо Фараж деган сўфий билан учрашади. Бобо Фараж қабулига борганда, сўфий уларга кийимларини ечиб сўнгра уйга киришларини буюради. Нажмиддин ва ҳамроҳлари Бобонинг айтганини қилиб, ичкари кириб ўтирадилар. Бир муддатдан кейин Бобода кучли ўзгариш юз беради – унинг вужуди «худди

офтобдай порлаб» кетади. Бобо Фараж ўзига келгач, хирқасини ечиб Нажмиддинга тухфа этади ва: «сен энди таҳсилни йиғиштир, китоб билан ишинг битди», деб айтади. Нажмиддин бу вақтларда бир уламо кўлида тафсир ўқимокда эди, китоб охирланиб қолганди. Устоди Нажмиддинга: икки кунлик сабоқ қолди, шуни эгалласанг, кейин ихтиёринг ўзингда, деб айтади. Нажмиддин эратсига яна сабоқ олгали устоди олдига борганда Бобо Фараж пайдо бўлиб, «Мен китоб мутоласи энди сенга зарарли деб айтдим-ку, яна нега келдинг», дея Нажмиддинга ақлий-далилий илмлар билан шуғулланишни буткул маън этади.

Нажмиддин Бобо Фаражга қараб интилади, унинг ўтирган жойида «офтобдай порлаб», мўъжизалар кўрсатишидан ҳайратга тушади. Лекин Нажмиддин ақлий билимлардан ҳам кўнгили узмоқчи эмас. Шунинг учун Ҳадис ва тафсирларни мутолаа қилишни қанда этмайди. Бу ўринда Нажмиддин сиймосида икки хил билиш усули – ақлий ва ботиний-завқий билишнинг қўшилганини кўрамиз. Дарҳақиқат, Нажмиддин Кубро ҳар жиҳатдан билимдон ва айни вақтда «валитарош» (валиларни тарбияловчи) кароматли инсон бўлган.

«Сукра», яъни мажнун бўлиб Илоҳни севиш ва беҳудлик, девоналик ҳолатда ирфон қозониш ҳозирги пайтда Ғарбда ўрганилаётган «Онгсизлик онги» муаммосига ўхшашдир. Инсонда ақл билан тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар бўлишини фан исботламоқда, улуғ кашфиётлар айнан ана шу «беҳудлик» ҳолатида кўлга киради. Орифона тасаввуф барча илмларни қамраб оладиган, ҳикмат ва фалсафани ҳам қўшадиган тасаввуфдир. Ошиқона тасаввуф ишқий кечинмалар, ишқий-завқий ирфонни биринчи ўринга қўйиб, муҳокама юритадиган, тўғрироғи муҳокама-тафаккурдан кўра ҳис-ҳаяжон, муҳаббат шавқ-завқи тошқинини афзал кўрадиган тасаввуфдир. Маломатия ва қаландария оқимлари ҳам моҳиятан ошиқона тасаввуфнинг шохобчасидир. Маломатийлар хокисорлик ва ўз-ўзини маломат қилиш билан Оллоҳга ихлосни ҳаддан ошириб, яъни ифротий тарзда ифодалядилар. Улар ўзларини халқдан ажратмайдилар, авом ва хос тушунчаларини тан

олмайдилар (қайд этамизки, сўфийлар одатда ўзларини «хос» кишилар, қолган барча халойиқни «авом» деб номлаганлар). Аммо маломатийларнинг бу халқсеварлигини гўшанишинлик ва узлатга зид ҳаракат деб тушунмаслик керак. Буларнинг ўзларини оддий одамлар билан тенг кўриши камтаринлик, шикасталик белгисидир. Маломатийлар диний расм-русмни тан олмаганларидек, тариқатнинг ҳам одобу қоидалари, расм-одатларига унчарио қилмаганлар. Чунки улар ҳар қандай қоида – русумни суратпарастлик, зоҳирийлик деб билганлар. Шунинг учун маломатия назарида тарки дунё қилган зоҳид ҳам, расм-русумга берилган хонақоҳ шайхи ҳам бирдай калтабин ва ҳақиқатдан узоқ кишилардир. Ошиқона ашъорда зоҳидлар, риёкор шайхлар қаторида умуман хирқапўшлик ва шайхликни мазаммат этган сатрларга дуч келамиз. Ҳофиз эса: «Ҳирқамни гаров қўйгум, бир коса шароб авло», деб ёзади. Яъни хонақоҳдаги шайх хирқасидан кўра, харобот (майхона-даир)даги маю маъшук афзалдир, дейди шоир. Шароб деганда у илоҳий файзни, харобот, майхона деганда комил инсон ҳузури ёки илоҳий файзни етказувчи маъшуқа – «мазҳар»ни назарда тутди.

Маломатийлик, айниқса, Хуросон сўфийлари Абулҳасан Харақоний (922–1032), Абусаид Абулхайр (967–1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006–1089), Фаридиддин Аттор (вафоти 1220) фаолиятида яққол кўзга ташланади. Бу шайхларнинг ҳар бири тасаввуф тарихида ўзига хос мавқега эга. Айниқса, Абусаид Абулхайрнинг жўшқин ҳаёти, руҳлантирувчи сўзлари, рубоийлари эл орасида машҳур бўлиб кетган эди.

Нишопур яқинидаги Майхона қишлоғида дунёга келга Абусаид Абулхайр тасаввуфда ўзига хос Хуросон мактабини асослаган шайхдир. У кўпдан кўп муридлар олдида оташин ваъзлар айтар, илоҳга бўлган муҳаббатни инсонга бўлган муҳаббат билан боғлаб тушунтирар, саховат, жавонмардликни сўфийнинг асил фазилати деб ҳисобларди. Чунончи, унинг сўзларидан: «Қўлингда нима бўлса бер, бошингда неки бўлса ташла, бошга нима келса чида». У «ғариб қашшоқларга хизмат қилиш», бунинг учун ҳар қандай меҳнат тури бўлса ҳам бажариш (ҳаммомда гулоҳийлик қилиш, кўча

супириш каби)ни талаб қилар, дарвеш меҳнатдан ор қилмаслиги керак деб уқтирарди. Абусаид Абулхайр хонақо мажлисларида самоъни кенг жорий этган – рақслар қўшиқ, музика, шеърхонлик билан қўшилиб кетар, шайхнинг ўзи ва муридлари рақсга тушиб, Худо ёдида экстаз (бехудлик) ҳолатига кирганлар ва бундан роҳатланганлар. Аслида бу Боязид Бистомий йўлининг давоми эди, бундай ҳолатда сўфийнинг гўё қалб кўзи очилар, ғайб асрорини теранроқ идрок этарди. Яъни вадий (интуитив-иррационал) билишга имкон туғдирилган.

## 2.2. Тасаввуфда комил инсон талқини ва ундан фойдаланишнинг бугунги аҳамияти

Тасаввуф – инсон камолоти, ахлоқий покланиш ҳақидаги илм дедик. Бу тушунча комил инсон концепциясида аниқ кўзга ташланади. Инсон учун қайғуриш, унинг маънавий камолотини ўйлаш тасаввуфнинг доимий ўзак масаласи бўлиб келган. Айниқса, инсоннинг ботиний олами, ички зиддиятлари, рух ва жисм орасидаги кураш сўфийларни кўп қизиқтирган. Улар инсонда азалий икки қарама-қарши куч-рахмоний ва шайтоний қувватлар борлигини, инсон Аллоҳнинг бандаси сифатида шайтон қутқусини енгиб, раҳмоний фазилатларга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Инсоннинг ҳаётдаги ўрни, жамият бўлиб яшаш тартибларига ҳам шу мавқедан туриб қаралган; чунончи, ижтимоий низолар, уруш-жанжаллар, мулкӣ тенгсизликнинг туб моҳияти, бош сабабини ҳам тасаввуф инсон табиати ва сийратидан қидиради, инсоннинг ахлоқини тузатишни унинг табиатидаги салбий, ҳайвоний кучларни маҳв этишдан бошлаш керак, деб тушунтиради. Тасаввуфчилар инсон табиатидаги салбий кучларни умумий ном билан «нафс» ёки «нафси аммора» деб атадилар ва унга қарши уруш эълон қилдилар. Мол-дунё тўплаш, нафс эҳтиёжига қараб юриш, ҳирсу ҳавас қатъий қораланди, инсонни (демакки, инсониятни ҳам) ноқислик ва фалокатлардан қутқаришнинг бирдан-бир тўғри йўли – нафсни ўлдириб, қаноат билан ҳалол яшаш, рух – иродани чиниқтира бориб, инсонда инсонийликни, яъни илоҳийликни тантана эттириш зарур, деб тарғиб қилинди.

Ушбу фикрлар улуғ шайхларнинг «тасаввуф» тушунчасига берган таъриф-изоҳларида аниқ ифодаланган.

«Тасаввуф нима?» деган саволга Шайх Нурий жавоб бериб айтади: «Тасаввуф – нафс лаззатларидан воз кечишдир». Ёки Шайх Сафий Алимшоҳ жавоби бундай: «Тасаввуф – нафс манзилларини босиб ўтишдир». Шайх Равим сўзи: «Тасаввуф – Худо йўлида нафсдан кечмоқдир».

Нафс худбинликни, ўзим бўлай фалсафасини туғдиради. Нафс домига тушгандан кейин, киши ҳеч нарсадан тап топтмайди, харом-харишдан ҳазар эмай, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди. Оқибатда у золим, бераҳм риёкор бўлиб қолади. Шунинг учун тасаввуф талаб этган тийилиш, каноат, сабру фақирлик тариқида гап кўп. «Дунёга бир марта келасан, оладиганингни олиб қол», – илгаридан маълум фалсафа бу. Коммунистлар буни: «Мен инсонман, демак менга ҳамма нарса раво» деб ўзгартирадилар, аммо мақсад ўша: иложини топгин-да, яхши яша, бошқалар билан ишинг бўлмасин. «Ҳамма нарса раво» фалсафаси одамни иймону эътиқоддан айириб, юлғичлик ва талон-тарожга фатво беради, ваҳшийлик инстинктини кучайтиради.

Комил инсон – бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлоқ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот, Навоий тили билан айтганда:

*Фонийвашеки, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи.*

*Ҳуш давлат ул кишигаки, тушгай анинг кўзи.*

Тасаввуф аҳли сиғинган идеал – Комил Инсон аслида халқ идеали, адабиёт идеали эди. Бу ҳаётбахш таълимотнинг пешволари ёзиб қолдирган асарлар, сўфиёна руҳдаги шеъру дostonларни мутолаа қилар эканмиз, ёруғликнинг зулмга, хайрнинг шаррга, файзу камолнинг нуқсу ноқислик, калтафаҳмлиқ ва нодонликка қарши омонсиз жангига гувоҳ бўламиз. Воқеан, тасаввуф шайхлари, зулм ва қоронғулик лашкарига қарши маърифатни қурол қилиб олиб жангга кирган паҳлавонларга ўхшаб кетадилар (Тустарий: «Маърифат жаҳл-нодонликка қарши жангдир»). Улар Каъба деб кўнгилни тан оладилар, кўнгил раъйига юрадиган, дунёни кўнгил орақли биладиган ва кўнгилга сиғинадиган одам Аллоҳнинг севгани деб чиқдилар. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан: «Исмоил Даббос дедиким, ҳаж нияти қилиб, борурда Шерозга етишдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўлтуриб хирқасини ямайдур эрди, салом қилдим ва

ўлтурдим. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Деди: онанг бор? Дедим: бор. Деди: ёниб онанг мулозаматига бор. Мен эллик ҳаж қилибмен – бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасин сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!»

Бу одамлар – жамиятнинг тирик виждони эдилар. Кишилар уларга қараб хушёр тортар, дунё беҳудлигидан ўзига келиб, ўз қалбига, қилаётган ишларига разм солардилар, тавба-тазарруъ қилардилар. Уларнинг афёлу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Моҳиятан олганда, комил инсон ҳақидаги тушунчаларнинг мухтасар мағзи шундан иборат. Аммо бу ҳақда улуғ алломаларнинг қиймат ва аҳамиятини йўқотмаган қарашлари, фикрлари бор. Комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Саййид Абдулкарим Гилоний ва Азизиддин Насафий (XIII аср)ларнинг «Инсони комил» номли рисоаларини махсус тилга олиб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчаси биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Муҳйиддин Ибн Арабий (1165–1240) томонидан муомалага киритилганини қайд этмоқ жоиз. Ибн Арабий наздида комил инсон – бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кулл тушунчалари билан маънодошдир. Чунки Тангри Таъоло илоҳий нурдан илк марта Ақли аввални яратди ва унинг сурату шакли Комил Инсон қиёфасида зухур этди. Шунинг учун “Аллоҳ одамини Раҳмон суратида яратди” деган ҳадис мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Аллоҳ-нинг Раҳмону Раҳим сифатларига эга бўлди<sup>20</sup>, дейдилар.

Ибн Арабийнинг фикрича, комил инсоннинг ердаги тимсоли ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дир. Ул зот вужудида ақлий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) халқ ва Ҳақ муқобилида турардилар ва орада восита эдилар. Шундай бўлгач, ҳамма одамларни ҳам ва ҳатто анбиё ва авлиёларни, донишмандларни комил инсон деб аташ жоиз эмас. Ва агар Пайғамбардан ўзга зотларга нисбатан бу сифат

---

<sup>20</sup> Саййид Содик Гуҳарин. Шарҳи истилоҳоти тасаввуф, 1-жилд, 125-бет

айтилар экан, буни шартли таъриф ёинки шу улуғ мартабага ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қабул қилиш керак. Саййид Абдулкарим Гилоний фикрига кўра, ҳар бир инсон иккинчисининг ўрнини босадиган нусхадир ва бир-бирининг қаршисида турган кўзгу кабидир. Битта одамдаги хислат ва сифат иккинчисида акс этиб туради. Аммо фарқи шундаки, бу аксланиш баъзиларда феъл-ҳаракат бўйича бўлса, баъзиларида эса қувва, яъни хислат-хусусиятлар билан намоён бўлади. Демак, истевдод ва қобилият, хусусият ва сифатига кўра, бир-бирига ўхшаш одамлар беҳад кўп. Буларни умумий ном билан халқ, одамлар, кишилар деб қўя қоламиз. Бирига қараб иккинчисининг хулқу атвори, даражасига баҳо бера оламиз. Аммо шундай комил ва акмал кишилар борки, улар камолотда нафақат ўзга одамлардан, балки бир-биридан ҳам кескин фарқланиб турадилар. Буларни анбиё ва авлиё деб атаймиз. Буларнинг ҳам даражалари бор: баъзилари комил, баъзилари акмал, бир қисми фозил, яна бир қисми афзал, яна бир гуруҳи эса афзалу акмалдирлар. Саййид Абдулкарим Гилоний мазкур таснифни айтиб, яна қўшиб қўяди: «Комил инсон, воқеан, Муҳаммад (с.а.в.)дир ва қолган анбиёю авлиёнинг камолоти унга нисбатандир, худди фозилнинг афзалга нисбатидай».

Шайх Омилий дейдиким, ҳақгўй олимларнинг фикрига қараганда, олам комил инсон ҳақиқати туфайли барқарордир, зеро фалаклар унинг нафаси билан айланурлар, мулку малакут ундан таълим олурлар. Шундай мартабада комил инсонни Ҳақнинг кўзгуси дейдилар. Ҳақ Таъоло Ўз исми ва сифатларини фақат комил инсонда кўради. Шунини ҳам таъкидлайдиларки, комил инсонгина Ҳақ қудратининг буюклиги, чексизлигига гувоҳ бўла олади.

Ибн Арабий, Шайх Омилий ва Абдулкарим Гилоний қарашларига диққат қилинса, комил инсон бир кайҳоний вужуд бўлиб кўринади, унинг сифатлари ердаги фоний одамлар сифатига, аниқ шахслар хислатига ўхшамайди. Унда биз жамики ғайритабиий кучларнинг мажмуини мушоҳада этгандай бўламиз. Бу ерда албатта жисмоний куч ҳақида гап бормайди, зотан илоҳиёт ҳақида гап борганда жисмоний куч эътибор эмас. Чунки Холиқият яратган жисмлар илоҳий қудрат олдида арзимас ва ожиз суратлардир. Комил инсон булар

назарида оламларни эгаллаган, оламларга, барча жонзотлар ва инсонларга таъсир эта оладиган, инсониятни бошқарадиган бир Буюк рухдир. Маънавий – ақлий қудратдир.

Аммо Шайх Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон», «Мақсади ақсо», «Зубдатул ҳақойиқ» номли ва бошқа рисолаларида комил инсон масаласи бир мунча бошқача ёритилган. Унда бу тушунча инсоннинг пайдо бўлиши, тараққиёти, мартабалар топиши билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Натижада биз Азизиддин таърифларида айнан ҳаётий одамга хос белгилар, ахлоқий сифатларни ҳам кўрамиз. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Насафий исломдаги бир нечта илмнинг инсонга бўлган қарашлари ва муносабатини чоғиштиради, инсонни қайҳоний вужуд сифатида ҳам, ер махлуқоти сифатида ҳам таҳқиқ ва тадқиқ этади. Насафийда комил инсон руҳ тушунчаси билан зич алоқада текширилади. Инсон мартабалари руҳ мартабалари сифатида олиб қаралади. Шунинг учун умумий тушунчалардан аниқ тушунчаларга ўтиб туриш бор. Бунинг сабабларидан яна бири Азизиддин Насафийнинг камолотни уруж (кўтарилиш) ва нузул (тушиш) назарияси асосида тушунишидир. Бу назария ўз навбатида улуғ олам ва кичик олам тушунчалари билан боғланиб кетади. Чунки Насафий Ибн Арабийга қўшилиб, инсонни олами сағир (кичик олам), илоҳий олам ва моддий оламини биргаликда олами кабир (улуғ олам) деб атади. – Улуғ оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуд, дейди у. Шу тариқа инсон юқори олам – олами кабирнинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб ҳисобланади.

Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгилки, Комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳаққиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».

Насафий санаган сифатларнинг дастлабки учтаси, яъни яхши сўз, яхши феъл, яхши хулқ Зардушт китоби «Авесто»дан олингандир («Гуфтори нек, кирдори нек, рафтори нек»). Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё

ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан эзгу ишларга тайёр туради. Азизиддин Насафий яхши ахлоқ ҳақидаги Зардушт сўзи ёнига «маориф», яъни тасаввуфий покланиш талабини қўшиб қўйган. Унинг фикрича, тариқат йўлига кирган солиқлар вазифа-мақсади ушбу тўрт фазилатни эгаллашдир. Кимки «ўзида шу сифатларни камол топтирса, у камолга эришади».

Насафийнинг мазкур таърифидан иккита хулоса келиб чиқади. Бири шуки, олим назарида комил инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши сифатларни эгаллаб борган одам шундай мартабага кўтарила олади. Иккинчи хулоса шуки, Насафийга кўра, комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўли билан қўлга кирадиган юксак мартабадир.

Комил инсон ҳақида юқорида баён этилган фикрларни ўзаро жамласак, қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

- Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси.

- Комил инсон Илоҳ билан одамлар орасидаги воситачи, илоҳий амр, ғайб асрорини оддий одамларга етказувчи улуғ ҳомийдир.

- Комил инсон мартабада Ақли кулл (Ақли аввал)га тенг. Аллоҳ аввал Ақли куллини, яъни Комил инсонни яратди, кейин у туфайли бошқа махлуқотлар яратилди.

- Комил инсон руҳи азалдан маълум, у Тангри таоло яратган энг кудратли руҳдир.

- Комил инсон шу сифатлари билан мутлоқ илоҳий хислатларни жамлаган кайҳоний мавжудликдир, у агар оддий инсон суратида кўринса ҳам, лекин маънан коинотни қамраб олган ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бир зотдир.

- Шу мартабада у Аллоҳнинг халифаси бўла олади.

- Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

- Шунинг учун ҳар бир пок ахлоқли, илоҳсевар шахс комилликка интилиши ва бу йўлда насиба олиши мумкин.

- Комилликнинг олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга наф келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комилдир.

Ушбу қарашлар гарчи бир-бирига зид бўлиб туюлса-да аслида моҳиятига кўра бир-бирига яқиндир. Яъни бу ерда инсоннинг камолоти, буюклигини тан олиш, инсон ва Коинот, инсон ва Илоҳ, инсон ва мавжудотни ўзаро вобаста, алоқадор деб ҳисоблаш бор. Қарашлар орасидаги фарқ эса шундан иборатки, аҳли шариат тушунчасига кўра, инсоннинг қобилияти ва майллари азалдан маълум, яъни Аллоҳ Таъоло тақдири азалдан белгилаб қўйган. Пайғамбарлар, авлиёлар, донишмандлар руҳи бошиданок юқори оламда маълум эди, бу руҳларнинг мартабалари аввалдан белгиланган эди, дейди шариат аҳли.

Аммо ҳикмат аҳли (файласуфлар) ва тасавуф аҳли фикрига кўра, инсонга фаолият учун инон-ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб, комиллик касб этиши, ниятларига етиши мумкин. Шайх Азизиддин Насафий «Зубдатул ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар қаймоғи) номли рисоласида ёзади: «Одамларнинг сўзлари ва фаолияти учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қилса, шунча билими ва мол-мулки ортади».

Азизиддин Насафий камолотнинг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган. Бунинг бири – ҳамида ахлоқ бўлса, иккинчиси – ўз-ўзини таниш. Шу икки асоснинг бор ёки йўқлигига қараб у одамларни уч қисмга ажратган. Биринчиси, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанмаган ва ўз-ўзини танимаган одамлар. Иккинчи, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанган, аммо ўз-ўзини танимаган одамлар. Учинчиси, ҳамида ахлоқий сифатлар билан безанган ва ўз-ўзини таниган одамлар. Олимнинг назарида ана шу кейинги –

учинчи тоифа одамлар комил инсонлардир: «Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши ҳамида ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошади».

Шу тариқа, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Бундан яна шу ҳам маъулм бўладики, ўрта асрлардаги яхши ахлоқ, комил инсон ҳақидаги тушунчалар нисбий хусусиятга эга – бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот тушунчаси, иккинчи томондан шу чўққига интилиб, муайян матарабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб ҳисобланган. Аммо масала қандай қўйилишидан қатъий назар, комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлди, инсонни шарафли, эзгулик ва Буюк Хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилди. Ҳар замон, ҳар лаҳза инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабих ишлар, ножўя қилиқлардан сақланишга кўмаклашади, иймон ва виждон биносининг пойдор бўлишини таъминлайди.

### 2.3. Тасаввуф таълимотининг жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги ўрни

Биз миллий мустақиллик туфайлигина халқимиз маънавиятининг туб манбаларини қайтадан кашф этиш, миллий ўзлигимизни ва чинакам инсоний ҳаётнинг мазмун ва моҳиятини теранроқ англаш имконига эга бўлдик.

Давлатимиз раҳбарининг “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” каби асарларида илгари сурилган концептуал ғоялар халқимизнинг унутилаёзган маънавий қадриятларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қила бошлади. Ижтимоий онг ва тафаккур бирёқлама мафкуравий зуғумлардан озод бўлгач, мамлакатимиз олимлари улут аждодларимизнинг маънавий ҳаётида муҳим рол ўйнаган тасаввуф фалсафаси ва адабиётини ҳар томонлама ўрганиш имконига эга бўлдилар. Кейинги 15-20 йил мобайнида мавзуга оид кўплаб илмий, фалсафий, бадиий асарлар чоп этилди. Миллий мустақиллик туфайлигина Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Хувайдо, Хазиний сингари ўнлаб сўфийларнинг тасаввуфий-ирфоний мазмундаги асарларини тўлиқ чоп этиш, тадқиқ этиш ва халқимизни ундан баҳраманд этиш имконияти вужудга келди.

Тасаввуф ғоялари, таниқли шарқшунос Е.Э.Бертельс таъкидлаганидек, минг йиллар давомида Шарқ мусулмонлари маънавиятининг ажралмас бир қисми, таянчи сифатида жуда муҳим рол ўйнаган, унинг ҳаёт ва фикрлаш тарзини белгалаган. Буюк мутасаввифлар турли тарихий даврларда халқ раҳнамоси, эзгулик ва адолат ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди; “тарихда биринчи марта фақат тасаввуфгина шоҳлик ҳокимияти ва шоҳлар ахлоқини Адолат талаби асосида муҳокамага қўйди, зулм ва зўрликни халқ позициясидан туриб аёвсиз танқид остига олди”<sup>21</sup>.

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, диний қадриятларимизни тиклаш давлатимиз сиёсатида муҳим ўрин эгаллаб турган ҳозирги шароитда дин ва

<sup>21</sup> Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Т.: “Ёзувчи”, 1996. 13-б

тасаввуф, тасаввуф ғояларининг фан-техника инқилоби асрида тутадиган ўрни ва роли масалалари хусусида фалсафий мушоҳада юритиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга моликдир. Биз миллий ғоя ва мафқурани яратиш жараёнида диний ғоя ва таълимотлар умумбашарий қадриятлар сифатида жамият барқарорлиги, тинчлик, ҳамжихатлик ва фаровон ҳаёт кечиришнинг зарур шarti ва муҳим омили эканлигини англай бошладик. Бироқ диннинг жамият маънавий ҳаётидаги аҳамиятини инкор этиш қанчалар мудҳиш оқибатларга олиб келгани сингари унинг аҳамияти, ўрни ва ролини ҳаддан ташқари бўрттириш ҳам аянчли оқибатларга олиб келиши шубҳасиздир. Худди шунингдек, дин ва тасаввуфни бир-биридан фарқламаслик, улар ўртасига тенглик белгисини қўйиш ҳам қатор англашилмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Мутаассиб дин арбобларининг сўфийларни кофир деб эълон қилиши, Мансур Халлож, Насимий, Машраб сингари тасаввуф пешволарини қатл этиш учун фатво беришлари ҳам дин билан тасаввуф ўртасида муайян зиддиятлар бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Ҳеч шубҳасиз тасаввуф ислом дини бағрида вужудга келган, ислом динининг муқаддас манбалари (Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф)ни чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш орқали баркамол инсон шахсини тарбиялаш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган фалсафий оқим эди.

Сўфийлар ҳам диндор, иймон-эътиқодли мусулмонлар эдилар, бироқ улар бошқа диндорлардан фарқли равишда дунёнинг бевафо ва бебақолигини англаб етган, дунёнинг молу мулки, хашам ва дабдабаларидан кўнгил узиб, қалбини Оллоҳ билан боғлаган, одамларга хизмат қилиш ва хокисорликни бахт деб билган комил инсон эдилар. Уларни “аҳли хослар” деб эъзозлар эдилар. Улар фақирона, камтарона, ҳаёт кечириш, оз нарса билан кифояланишни, қўлидагини бошқаларга беришни, одамларга беминнат хизмат қилишни, ҳалол меҳнат билан тирикчилик ўтказишни, бошқаларга ибрат бўлишни чинакам инсоний ҳаётнинг маъноси деб билардилар.

Сўфийлар авом халқдан фарқли равишда нисбатан озчиликни ташкил этсада, халқнинг ҳақиқий раҳнамоси сифатида жуда муҳим рол ўйнар, ўзларини жамиятдаги маънавий муҳит учун масъул деб ҳисоблардилар.

Дин ҳамма учун мажбурий бўлган дунёқараш, ҳаёт тарзи бўлса, тасаввуф энг яхшиларнинг камолот йўли эди. Бошқача қилиб айтганда, дин авом халқнинг эътиқоди, фикрлаш тарзи, фарз амаллари (ҳар куни беш вақт намоз ўқиш, калимаи шаҳодат, рўза тутиш, закот тўлаш, ҳаж зиёрати)ни адо этиш, шариат талабларини бажариш зарур бўлса, сўфийлар буларга қўшимча яна кўплаб вазифаларни бажаришга, пир этагини тутишга, ирфоний илмларни эгаллашга, ҳақиқатни билиш ва Ҳақ билан қўшилишга интиланлар. Ўрта асрлар шароитида ҳар бир инсоннинг диндор бўлиши мажбурий бўлса-да, ҳеч кимни тариқат йўлига киришга мажбур қилмаганлар, балки бу йўлнинг нақадар оғир ва машаққатли эканлигини айтганлар, солиқларни оғир синовлардан ўтказганлар. Сўфийлар жамиятнинг устунлари, адолат ва ҳақиқатнинг заҳматқаш ҳимоячилари, пок ахлоқли, том маънода эркин ва катта обрўга эга бўлган комил кишилар эдилар. Улар жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини, жамият дуч келган энг мушкул муаммоларни ҳам оқилона ҳал этиш йўлларини топа оладиган донишмандлар эдилар.

Сўфийлар ижтимоий келиб чиқишига кўра жамиятнинг мулкдор, сармоядор, билимли қатламига мансуб бўлса-да фақирликни ихтиёр этган, ўз меҳнати билан ҳалол яшайдиган, ҳеч кимга, на шоҳга, на мулкдорларга, на оилага қарам бўлмаган ҳур фикрли эркин кишилар эдилар. Улар шоҳу гадо учун, бой ва қашшоқлар учун инсоний комиллик намунаси эдилар. Дин пешволари ва тасаввуф аҳлининг тақдири азал, жаннат ва дўзахга бўлган муносабатларида муҳим тафовутлар мавжуд эди.

Диндорлар инсоннинг қобилият ва майллари азалдан маълум. Ҳатто пайғамбарлар, авлиёлар, донишмандларнинг руҳи аввал бошданок юқори оламда маълум эди; бу руҳларнинг мартабалари худо томонидан белгиланган, деб ҳисоблайдилар.

Тасаввуф аҳлининг фикрича, инсонга фаолият учун танлаш имконияти берилган. У ҳаракат қилиб, комиллик касб этиши ва мақсадларига эришиши мумкин.

Илмий билимлар кучли ривожлана олмаган ўрта асрлар Шарқида Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий сингари улуғ мутафаккирлар тасаввуфдаги ҳур фикрлиликни фаол қўллаб-қувватлаганлар: моддий дунё, мутлақ руҳнинг намоён бўлиши унинг сояси экан, нарсалар моҳиятини билмай туриб, илмий билимларни ривожлантирмай туриб Илоҳий ҳақиқатни билиб бўлмади, деган ғояни илгари сурганлар.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан улуғ мутафаккирлар сингари Алишер Навоий ҳам жамиятнинг икки қатламдан: 1) “аҳли хос” ва 2) “аҳли ом” (авом)дан ташкил топганлигини эътироф этган.

А. Навоий “авом” деганда саводсиз, илмсиз оддий халқнигина назарда тутмаган, балки илоҳиёт тажаллиётини қалбан ҳис этолмайдиган, борликқа зоҳиран (юзаки) муносабатда бўлиб, жамиятнинг расму одатларини бажаришдан нари ўтолмайдиган кишиларни ҳам назарда тутган. Бундай кишилар (авом) қаторига илмига амал қилмайдиган муллалару илми ботиндан беҳабар шайх ва зоҳидларни ҳам киритган.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг фикрича, “аҳли хос”лар аслзодалар табақаси, шоҳ-амирлар эмас, балки Аллоҳ йўлида захмат чекувчи дили ва тили Ҳақ ёдидан бўшамайдиган чин сўфийлардир.

Бу инсонларнинг кўнгил кўзгуси дунёвий хирсу ҳавас ғуборларидан тозалангани боис “пок кўзни пок назар била пок юзга ” солиб, “пок мазҳар”, яъни илоҳий жамол акс этган алоҳида одамларни севиш воситаси била махбуби ҳақиқий (Худо) жамолидан баҳра олмоққа мушаррафдирлар”<sup>22</sup>.

Фалсафа тарихида, жумладан, тасаввуф ривожланишининг турли даврларида комил инсон шахсини шакллантириш цивилизацияли жамият барпо этиш масалалари жуда муҳим ўрин эгаллаган. Тасаввуф тарихида вужудга келган хожагон, нақшбандия, яссавия, кубравия, қодирия ва ҳоказо

---

<sup>22</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. Асарлар. 13-жилд. 66, 67 Б.

тариқатларнинг барчаси ўзгарган янги тарихий давр талабларига жавоб бера оладиган комил инсон ғоясини илгари сурганлар. Тасаввуф тариқатларининг мазмун ва моҳиятини тарихий давр хусусиятларини билмай туриб ўрганиб бўлмайди. Комил инсонни шакллантириш масаласи тасаввуф тарихида ғоят салмоқли ва ҳатто марказий ўрин эгаллаб келганлиги шубҳасиздир. Шу ўринда шайх Азизиддин Насафий (XIII аср)нинг “Зубдатул ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”) асарида илгари сурган комил инсон ғояси эътиборга лойиқдир. Унинг таъкидлашича, инсон камолотга эришмоғи учун: биринчидан, ҳамида (мақтовга лойиқ) ахлоққа эга бўлиши; иккинчидан, ўз-ўзини англаши лозим. Улуғ мутафаккир шу ғоядан келиб чиқиб, кишиларни кўйидаги уч тоифага ажратади: биринчиси – ҳамида ахлоққа эга бўлмаган ва ўзини танимаган кишилар; иккинчиси – ҳамида ахлоқий фазилатлар билан безанган, аммо ўз-ўзини танимаган (англамаган) кишилар; учинчиси – ҳамида ахлоқий фазилатларга эга бўлган ва ўз-ўзини таниган одамлар. Ана шу учинчи тоифа одамлар комил инсонлардир<sup>23</sup>.

Маънавий-руҳий камолотга эришган улуғ инсонлар (сўфийлар) оддий авом халқидан ажралиб турганлар, уларнинг зеҳну заковати, ақлу шуури, фазлу фаросати жуда баланд бўлган. Улар руҳ қўмондонлари сифатида атрофдагиларга кучли таъсир ўтказиш қудратига, нажиб хислатларга эга бўлганлар<sup>24</sup>.

Сўфийлар оддий ҳаёт кечирish учун зарур бўладиган тирикчилик воситалари, моддий бойликка эга бўлганлари ҳолда унга меҳр қўймаганлар, бойликни кўпайтириш ҳақида эмас, балки уни мухтожларга тарқатиш ҳақида кўпроқ қайғурганлар. Бу эса ҳукмдор ва мулкдорлар учун ибрат эди. Бинобарин, сўфийлар таълимоти жамиятни бошқариш, унинг истиқболи учун масъул бўлган ҳукмдор ва мулкдорлар учун зарур эди.

Эҳтимол, шу боисдан ҳам халқимиз хотирасида ёрқин из қолдирган Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари салтанат

---

<sup>23</sup> Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Т.: 1996. Б.152.

<sup>24</sup> Ўша жойда. 60-61-б.

соҳиблари машхур сўфий-шайхларни пир тутганлар, уларнинг тўғри маслаҳатларига кулоқ тутганлар, адолат, инсоф ва диёнатни қарор топтиришга интиланлар.

Хуллас, сўфийларнинг ибратли ҳаёт тарзи ва таълимоти жамиятининг юқори қатламига, яъни ҳукмдор, мулкдор ва сармоядорларга қаратилган эди. Сўфийлар зулм ва адолатсизликни қоралаш, илмсизлик ва нодонликни мазаммат қилиш орқали оддий авом халқ билан ҳукмдорлар ўртасидаги зиддиятни бартараф этишга, ижтимоий барқарорлик ва адолатни қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшганлар.

Собиқ совет жамиятида амалга оширилган эксперимент жамиятда минг йиллар мобайнида шаклланган ижтимоий тартиб ва мувозанатни бузибгина қолмай, жамиятнинг маънавий ҳаёти ва истиқболи учун масъул бўлган аҳли хос (илм-фан, дин, санъат аҳли)ларнинг бутунлай йўқ қилинишига, тасаввуф ҳақидаги тушунча ва тасаввурларнинг бутунлай ўзгаришига олиб келди. Собиқ Совет жамиятида мулкдорлар, сармоядорлар, руҳонийлар, илм-фан аҳллари синф сифатида, халқ душмани сифатида йўқ қилинган бир шароитда тасаввуф кераксиз ва хатто зарарли таълимот эди. Чунки совет жамияти ўзининг туб моҳиятига кўра йўқсуллар (қашшоқлар) жамияти эди, совет давлати эса йўқсуллар (пролетар) давлати эди. Совет жамиятида тасаввуф ғоялари зарарли эди, чунки жамият ўз-ўзидан табиий ривожланиш имкониятларидан маҳрум қилинган эди.

Иккинчидан, тасаввуф ислом дини ғоялари устига қурилган фалсафий таълимот бўлиб, динсизлик, иймонсизлик зўр бериб тарғиб этилган жамиятда тасаввуфнинг ривожланиши мумкин эмас эди.

Юқорида таъкидланганидек, биз миллий мустақиллик туфайлигина совет жамиятида йўл қўйилган тарихий хатоликни тузатиш, мулкдорлар, тадбиркорларни синф сифатида шакллантириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тасаввуф фалсафасининг инсонпарварлик, маърифатпарварлик ва адолатпарварлик ғояларини тарғиб этиш имкониятига эга бўлди.

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий мафқурани шакллантириш ва тарғиб этиш давлатимиз сиёсатида етакчи ўрин эгаллаб турган ҳозирги шароитда маънавий тараққиётимизга ҳалақит бераётган муаммоларимиз ҳақида фикр юритиш ғоят муҳим ва долзарбдир.

Қарамлик ва қашшоқликни кучайтираётган ҳаёт тарзимизнинг ўзгариши учун аввало фикрлаш тарзимизнинг ўзгариши муҳим ва зарурдир. Фикрлаш тарзимизнинг ўзгариши учун эса ҳақиқий инсоний ҳаётнинг маъноси ва мазмунини янгича англашимиз, тафаккур стереотипларининг яроқсизлигини фош этишимиз, воқеликка, ўз-ўзимизга олимона танқидий назар ташлашимиз муҳимдир.

Биз диний илм ва маърифатсиз комил инсон шахсини шакллантириб бўлмаслигини, фансиз ижтимоий тараққиёт ва фаровонликка эришииб бўлмаслигини, фақат илм (ҳам диний, ҳам дунёвий)гина бизни жаҳолат, қашшоқлик, зулм ва адолатсизликлардан қутқаришга қодир эканлигини англашимиз жоиздир. Европалик олимлар XVII асрдаёқ “билим – кучдир” (Ф.Бэкон) шиорини ўртага ташлаб, фаннинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва ролини белгилашга, илмий билимларни кўпайтиришнинг методлари ҳақида жаҳоншумул аҳамиятга молик асарлар яратганлиги, Шарқ олимларининг асарларини зўр ҳафсала ва катта иштиёқ билан ўрганишгани тарихдан яхши маълумдир.

Фан аниқликни, холислик (объективлик), беғаразлик, ҳалоллик ва ростгўйликни талаб этади. Фан кишиси (олим) ҳақиқат изловчи, халқни машаққат ва зулматдан қутқарувчидир. Кишилар илм йўлида захмат чекадилар, ўзларининг ҳақгўйликлари туфайли мислсиз қийинчилик ва укубатларга дуч келадилар, бунинг эвазига юксак ахлоқий фазилатларга эга бўладилар. Илм-фан аҳли ҳамиша жаҳонга машҳур буюк олимларнинг асарларини ўрганишлари боис ўз билимлари ҳеч нарсага арзимаслигига иқрор бўладилар ва шу туфайли табиатан камтарин, аммо ниҳоятда қайсар, инжиқ, ўз-ўзига ва бошқаларга нисбатан ўта талабчан ва қаттиққўл бўладилар. Катта билим ва салоҳиятга эга бўлган олимлар ниҳоятда

мулоҳазали, камгап ва камсуқум, аммо ниҳоятда фаол бўладилар. Улар ниҳоятда сирли, салобатли, улуғвор ва қудратли бўлиб кўринадилар. Кишилар бундай олимларга хавас, хайрат ва кўрқув билан қарайдилар.

Ҳақиқий олимлик ҳеч қачон одамийликни истисно этмаган, балки аксинча, тақозо этган. Аслида фаннинг буюк гуманистик моҳияти баркамол инсон шахсини камол топтиришда, инсондаги яратувчан илоҳий қудратни рўёбга чиқаришда-ку! Дин, шубҳасиз, инсоният маънавиятининг муҳим таркибий қисмидир, фақат дин туфайлигини ахлоқий қадриятлар авлоддан авлодга ўтади, ижтимоий тотувлик, тинчлик ва барқарорлик вужудга келади. Бироқ фан ва техника революцияси асрида, яъни ҳозирги даврда фан жамият маънавий ҳаётини белгиловчи энг муҳим омилга айланди. Фан билан жамиятнинг жуда озчилик қисми (бирок энг ақлли, фаол қисми) шуғулланса-да, унинг ҳаёт ва фикрлаш тарзи кўпчилик учун намуна, ҳаётий мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Машҳур инглиз мутафаккири Арнольд Тойнби халқнинг, жамиятнинг цивилизацияли тараққиётида ижодкор озчилик (зиёлилар)нинг кўпчиликни орқасидан эргаштирувчилик ролини алоҳида таъкидлаганида ҳақ эди, албатта. Чиндан ҳам шундай. Интеллигенция авом халқдан ажралиб чиқсагина, илмий, танқидий фикрлаш усулини ўзлаштирагина, кўпроқ ахлоқий эркинликка, ўзига хос юксак маданиятга эга бўлсагина ўзининг новаторлик, етакчилик функциясини амалга ошириш, цивилизацияли тараққиётнинг, фаровон ва бахтли ҳаётнинг ижодкорига, халқ раҳнамосига айланиши мумкин.

Халқимизнинг миллий турмуш тарзининг шаклланиши ва ахлоқан мукаммаллашиб боришида маънавий меросимизнинг муҳим манбаларидан бири – тасаввуфий қадриятлардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин асрлар давомида халқимиз, миллатимиз маънавий дунёқарашини бойитишда ҳамда соғлом маънавий турмуш тарзини шакллантиришда унинг хизматлари каттадир.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида раҳм-шафқат, мурувват, одамийлик каби фазилатлар доимо улуғланиб, мадҳ этилиб келинган.<sup>2</sup> Шунинг учун ўсиб келаётган ёш авлодни ота-боболаримиз томонидан яратилган ва халқимиз томонидан кўз қорачиғидек сақланиб келинаётган маънавий меросимиз бўлган дин ва диний қадриятларимизга бўлган тўғри муносабатни шакллантириш ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиради. “Бинобарин, дин одамларда ишонч хиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишда ёрдам бериб келган”.<sup>1</sup>

Бугунги кунда тасаввуфга бошқача нуқтаи назар ва қизиқиш, ўзгача эҳтиром билан қарай бошладилар. Тасаввуфда жорий қилинган маънавий-руҳий таҳлиллар, аввалом бор, инсон тақдирига, уларнинг соғлом турмуш тарзига эътиборни қаратар экан, хуррият, эркинлик, тенглик каби ғоялар унинг асоси эканлиги таъкидланади.

Ёш авлод эътиборини ахлоқий қадрият масалаларига қаратар эканмиз, буюк тариқатчиларнинг гўзал ахлоқ сирлари, нафс, руҳ ва қалб тавсияларидан оқилона турмуш тарзини шакллантиришда асосий омил сифатида фойдаланиш муҳимлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

Оқилона турмуш тарзини таъминлайдиган инсоний фазилатларни тавсифлар эканмиз, унинг дунёқараши ва шахс сифатидаги қобилиятларини назарга олишимиз керак. Шунингдек, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг руҳий маънавий, ахлоқий жиҳатдан таъминланган бўлиши зарур.

Оқилона турмуш тарзи халқимизнинг анъана, урф-одат, исломий қадриятлари билан узвий боғланган бўлиб, унинг бутун моҳиятини тасаввуфий таълимотлар ўз ичига олади.

Ахмад Яссавийнинг “Девони Ҳикмат”, Нажмиддин Кубронинг “Фавойиқ ул-жалол”, Алишер Навоийнинг “Хамса” каби жаҳонга машҳур

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXІаср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Ўзбекистон, Т 1997. 35-б.

асарларидаги бир-биридан муҳим ва сермазмун фикрлардан унумли фойдаланиш ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ёрдам беради. Айниқса, Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги муҳаббат, камтарлик, тавозеъ ҳақидаги фикрлар ижтимоий тарққиёт жараёнида ахлоқий қадрият сифатида ўзига хос ўринга эга.

Жамиятнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда тасаввуфий таълимотлар ва диний қадриятлардан одоб, ахлоқ борасида шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда исломий имкониятлардан, ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Умумбашарий қадриятлардан бири бўлган инсон кадр-қимматини юксак даражага кўтарадиган соғлом турмуш тарзини яратишда тасаввуф таълимотларидан оқилона фойдаланган ҳолда ўтиш даврининг қийинчиликларини бартараф этиш, буларни меҳнат ҳамда ижтимоий фаолият билан таъминлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мақсади ҳам инсон, унинг манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Демак, оқилона турмуш тарзини шакллантиришда мутафаккирларнинг тасаввуфий таълимотларини ҳамда қуйидаги фикрларини тавсия этамиз.

1. Оилада мутасаввуф олимларнинг таълимотларидан ахлоқий тарбияни шакллантиришда меъёрий тарзда фойдаланиш.

2. Ёшларда диний ва дунёвий қадриятларга оқилона қарашни шакллантириш.

3. Тасаввуфий маслак тизимида оиланинг муқаддаслигин эътироф этувчи жиҳатлардан ижодий фойдаланиш.

4. Ёшларга комил инсон бўлиб шаклланишида “Дил ба ёру, даст ба кор”, хотиржамлик, илоҳий ишқ, халол меҳнат, адолат каби ғоялар моҳиятини тушунтириш;

5. Оқилона турмуш тарзини қарор топтиришда аёл ва эркекнинг ўзига хос сифатларини шакллантиришга эътибор қаратиш.

6. Харом луқмаларнинг асорати, халол луқмаларни фазилатини тавсифлаш.

7. Гийбат, ғараз, ҳасад, тухмат каби балоларни оқилона турмуш тарзига ёт эканлигини англаш.

8. Никоҳ деб аталмиш муқаддас тушунчани турмуш тарзининг асоси деб билиш.

9. Соғлом жамиятни соғлом оила яратади, деган фикрни ёшлар онги ва қалбига сингдириб бориш.

## ХУЛОСА

“Ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади, – деб тўғри таъкидлайди сиёсатшунос олим Н.Жўраев.<sup>1</sup> Дарҳақиқат ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аждодлари кимлар бўлгани, ота-боболарини нималар билан шуғуллангани ва қандай умр кечиришганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди”. Шу маънода халқимизнинг ахлоқий ва диний меросида улкан из қолдирган тасаввуфни ўрганиш, илмий-назарий таҳлил қилиш, бугунги кунда уни ёшлар онги ва қалбига етказиш ва сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, жамият тарихий тараққиётида инсонга хос бўлган тасаввуфий қадриятлар мавҳум тушунчалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолмасдан, балки улар маълум бир ижтимоий тарихий шарт-шароитларнинг таққозоси махсули сифатида, аниқ воқелик ва ҳаёт фалсафаси билан узвий боғлиқликда вужудга келган ва ривожланиб борган. Тарих фалсафасининг энг муҳим ва мазмунли саҳифаларидан бирини тасаввуфий мерос ташкил этади. Тасаввуф ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам олимларимиз диққатини ўзига тортиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Тасаввуф муқаддас динимиз Ислому таълимотининг таркибий қисми. Уни эса Ислому маънавий меросидан айри ҳолда ўрганиш мумкин эмас. У табиат, ижтимоий муҳит, инсоннинг турли муносабатларини ўрганиш, мавжуд ходисани билиш ва уни ўзгартиришга бўлган узлуксиз интилиш жараёнида сайқалланиб, халқнинг маънавий фазилатларини бойитишга олиб келади. Тасаввуф маълум маънавий-рухий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида юзага келган. Ушбу тадқиқот жараёнида, ана шу тарихий ҳақиқатни ёритиш, тасаввуфий меросимизни кишилар онги ва шуурига етказиш, шу аснода уларни фикрлашга, ўтмишни идрок қилиб, келажакни ақл йўриғи билан танлаш каби фалсафий-диний муаммоларни ҳал этиш вазифаси олдинга қўйилди. Бу муаммонинг ечимини топишда буюк

---

<sup>1</sup> Жўраев.Н. Тарих фалсафаси. Т.; Маънавият,1999,19 бет.

мутасаввуфларнинг бой маънавий мероси асос қилиб олинди. Айниқса, Ўрта Осиё мутасаввуфларининг диний-ахлоқий мероси негизида инсон ва унинг моҳияти, инсонга хос бўлган қадр-қиммат, нафс, адолат, садоқат, бурч, вафо ва эзгуликка йўлловчи қадриятларнинг мавжуд эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўрта Осиё мутасаввуфлари жамият маънавий юксалишига ўзларининг диний-ахлоқий, ижтимоий-фалсафий қарашлари билан улкан ҳисса қўшган олиму-фузалолардир. Ҳозиргача республикада чоп этилган қатор илмий асарларда улуғ бобокалонларимизнинг меросини илмий-фалсафий таҳлил қилиш асосан Аҳмад ал-Фарғоний Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Махтумқули, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муқимий, Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат ва бошқаларнинг фалсафий ва ахлоқий қарашлари ўрганиб келинган. Аммо дунё диний-фалсафий тафаккурида ўчмас из қолдирган Аҳмад Яссавий, Мир Саййид Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Абдулқодир Гилоний, Сўфи Оллоёр каби ўнлаб буюк алломаларнинг тасаввуфий мероси эътибордан четда қолиб келди. Ислом динининг фалсафаси ва шариати, инсониятни комиллика даъват этувчи буюк таълимоти ўрганилмай келинар эди. Тасаввуф фалсафаси, унинг чуқур инсонийлик мазмуни узоқ вақт илмий таҳлилга муҳтож бўлиб келди ва ҳозирда айрим тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, лекин ҳануз шундай тадқиқотларга эҳтиёж катта.

Мутасаввуфлар қарашларининг муҳим хусусиятлари ҳақида фикр юритганимизда, асосан, тасаввуф таълимотидаги ахлоқ, ахлоқий меросга муносабат ва тасаввуф таълимотининг йирик асосчилари маънавий меросининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эканлигини, унинг туб моҳиятини жонли мисоллар асосида кўрсатиб беришга ҳаракат қилинади. Асосан, тарихий-ахлоқий меросни фалсафий тафаккур орқали таҳлил қилишга жиддий эътибор берилади.

Президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида илгари сурган тасаввуф ва унинг баркамол инсонни тарбиялашдаги аҳамияти ҳақидаги ғояларининг

илмий-фалсафий, назарий, амалий тадқиқот сабоқлари шунга олиб келадики, маданий-маърифий юксаклик ижтимоий-фалсафий тараққиёт, иймон-этиқоднинг бутлиги, миллий ахлоқ-одоб қоидаларига тўла риоя қилиш, илм маърифатли бўлиш, инсонпарварлик, халқпарварлик, миллий қадриятларга муҳаббат, жасурлик, покланиш, ислом динига этиқодлик, мустақилликни доимо ҳимоя қилиш ҳозирги вақтдаги долзарб муаммолардан бири сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан ушбу муаммони тадқиқ қилган олималардан бири Б.Очилованинг «кишиларни, айниқса, ёшларни машхур аجدодларимизнинг меросига ихлосмандлик руҳида тарбиялашга, уларни неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга ўргатиш»<sup>1</sup> зурурлиги тўғрисидаги фикри айтиш мумкин. Тасаввуфни ўрганиш ва уни ёшлар онгига сингдириш борасида кейинги йилларда самарали ишлар амалга оширилди.

Тасаввуфни Ислом таълимотининг таркибий қисми сифатида ўрганиш ва уни шахс маънавий тарбиясидаги ролини ошириш юзасидан қуйидаги тақлифларни илгари сурамиз:

- тасаввуф Ислом таълимоти негизида вужудга келган ва унинг ривожига улкан аҳамият касб этган;
- Ўрта Осиё тасаввуф тариқатлари вужудга келган ва унинг ривожига улкан аҳамиятга эга маънавий-маданий маконлардан бири;
- тасаввуфни фалсафий-тарихий жиҳатдан тадқиқ этишни баркамол авлоднинг жамият равнақида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ ҳолда ёритиш;
- тасаввуфий меросимизни миллий ғоя руҳида ҳар томонлама тадқиқ этишнинг назарий-методологик муаммоларини принципиал жиҳатдан ишлаб чиқиш ва бойитиш;

---

<sup>1</sup> Очилова Б. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. –Т.: Ўзбекистон. 2004. Б.140.

- тасаввуфнинг ислом динининг фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний асосларининг хусусий ва умумий жиҳатлари билан узвий ҳолда тушуниш ва асослаш;

- кенг кўламда юз бераётган глобаллашув жараёнида тасаввуфий меросни асраб-авайлаш ва уни кенгайтириш;

- мутасаввуфларнинг ахлоққа оид қарашлари рукнида илмий асарлар, рисолалар, христоматиялар, оммабоп тўпламлар чоп этиш;

- тасаввуфни ўрганиш инсон тафаккури ва онгини янгилаш ва тозалаш учун хизмат қилишлигини, ўзликни англаш инсоннинг ўз ўтмиши ва аждодларига қизиқишидан бошланишини фалсафий-тарихий таҳлилда тушунтириш ва бошқаларни амалга ошириш лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008.
2. Алишер Навоий. Лисоунт тайр. –Тошкент: Фан, 1965.
3. Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат. 17-жилд. -Т.: Фан, 2002.
4. Дурдона. Мир Кулол ва Шохи Нақшбанд мақоматларидан. Т. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1993.
5. Жалололидин Румий. Маснавийи маънавий. Шарҳи билан, 1-китоб. –Т.: «Шарқ» матбаа нашр., 2000.
6. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: «Ўзбекистон», 1993.
7. «Комил инсон ҳақида тўрт рисола» (Н.Комилов таржимаси). –Т.: «Маънавият», 1998.
8. Бертельс Е.Э. Избранная труды. Суфизм и суфийская литература. -М.: «Наука», 1965.
9. Бозоров О, Шодиев Р. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий кадрятлар. Самарқанд, Зарафшон нашриёти, 1992.
10. Ибн Араби. Геммы мудрости (главы). Перевод А.В. Смирнова. В.Кн. М.Степанянц. Философские аспекты суфизма. -М.: «Наука», 1987.
11. Доктор Абдулҳусайн Зарринқўб. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. Икки жилдлик (форс тилида). Техрон, ҳижрий 1349.
12. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. –Т.: «Ёзувчи», 1997.
13. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.
14. Кошифий Хусайн Воиз. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. -Т. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994
15. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. «Бухоро» нашр., 2000.
16. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1991.
17. «Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар» (Тўплам). –Т.: «Ўзбекистон», 1993.
18. Олим С. Навоий ва Нақшбанд. –Т.: «Фан», 1992.
19. Салим С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. –Т.: «Фан», 1994.

- 20.Салим С. Бухорий. Дилда ёр. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1992.
- 21.Суфизм в контексте мусульманской культуры. –М.: «Наука», 1989.
- 22.Абдуҳамид ал-Ғаззали. Воскрешение наук о вере. –М.: «Наука», 1980.
- 23.Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. –Т.: «Адолат», 2001.
- 24.Ислам. Энциклопедический словарь. -М.: «Наука», 1991.
- 25.Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги мусталиҳоти урафо (форс тилида). Техрон, ҳижрий 1329.
- 26.Ҳусайн Вассоф. Сафинаи авлиё (турк тилида). Истамбул, 1990.
- 27.Абдулбоқий Гулпинарли. Мавлоно Жалолиддин (форс тилида). Техрон, ҳижрий 1370.